

## **1-мавзу: ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ ПРЕДМЕТИ**

Шахс-муайян жамият аъзоси, жамият аъзоси сифатида у турли муносабатлар тизимида бўлади. Шахс жамиятданташқарида, унинг таъсирилиз мавжуд бўла олмайди. Шунинг учун ҳам шахс ва жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги масалалари муҳим, долзарб масалалардан ҳисобланади.

Жамиятни инсонлар мажмуи ана шу инсонлар ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатларнинг табиатига, улар амалга оширадиган мураккаб ижтимоий ҳамкорлик фаолиятининг мазмунига боғлиқ. Ҳар бир инсон жамиятда яшар экан, у унда ўзига хос ўрин ва мустақил мавқе эгаллашга интилади. У ўзига интилиш, лаёқат ва фаоллик намуналарини намоён қиласди.

Инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабаталрни ҳамда ҳар бир шахснинг жамиятдаги ўрни ва унинг турлича ижтимоий муносабатлари табиатини ўрганувчи бир қатор ижтимоий фанлар мавжуд бўлиб, уларнинг орасида ижтимоий психология алоҳида ўринни эгаллайди.

Ижтиомоий психология-шахснинг ижтимоий гуруҳ аъзоси сифатидаги фаолияти ва ҳулқ-атвори қонуниятларини ҳамда гурухларнинг психологик хусусиятларини ўрганувчи фандир. Ижтимоий психология одамларнинг жамиятда ҳамкорликдаги иш фаолиятлари жараёни давомида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ғоялар, ҳис-туйғулар, кечинмалар, турли ҳулқ-атвор шаклларини тушунтириб беради.

Демак, ҳар бир шахснинг жамиятда яшashi, унинг ижтимоий нормалларга риоя қилган ҳолда ўзига ўхшаш шахслар Билан ўрнатадиган мураккаб ўзаро муносабатлар ва уларнинг таъсирида ҳосил бўладиган ҳодисаларнинг психологик табиатини ва қонуниятларини тушунтириб бериш-ижтимоий психологиянинг асосий вазифасидир.

Ижтимоий психология ва умуман ижтимоий фаолият Билан шуғулланувчи фанларнинг асосий вазифаси-баркамол авлод тарбиясини таъминловчи барча маънавий, руҳий инсоний муносабатлар моҳиятини тақиқлаш, уларни бошқаришнинг энг самарали усувларини тадбиқ этишdir.

Ижтимоий психология бошқа бир қатор ижтимоий фанлар билан узвий боғланган. Улар қаторига-социология, педагогика, фалсафа, умумий психология каби фанларни киритиш мумкин.

Социология ижтимоий, гуруҳий ва индивидуал қадриятлар ва нормалар табиатини ҳамда характерини ўрганади. Ижтимоий психология улар шаклланишларининг аниқ хусусиятлари ҳамда у яшайдиган макро ва микро муҳитнинг таъсири ҳисобга олинади. Агар социология шахс фаоллигининг кўринишларини тадқиқ этса, ижтимоий психология эса бу фаоллик намоён бўлиш қонуниятлари ва йўлларини тадқиқ қиласди, бу фаоллик тўлиқ амалга ошишининг шароитларини аниқлашга ёрдам беради. Социология турли хил инсоний гурухлар ичидаги шахслараро алоқаларнинг ижтимоий моҳиятини очиб беради. Ижтимоий психологияни эса бу муносабатлар алоҳида кишининг фаолияти ва айрим гурухларда қандай намоён ҳамда уларнинг шахс сифатлари шаклланишига кўрсатадиган таъсири қизиқтиради.

Педагогикада қўлга киритилган тажрибадан фойдаланар экан, ижтимоий психология шахс ва жамоага тарбиявий таъсири кўрсатиши самарадорлигини ошириш, таълим-тарбия жараёнларини такомиллаштириш йўлларини очиб беради. Ижтимоий психология педагогларни жамоалар, уларда шахслараро муносабатларни психологик таҳлил қилишнинг илмий усуллари Билан қуроллантиради ва бу орқали энг муҳим масала, янги инсонни шакллантириш, турли хилдаги гуруҳлар хусусан, оила, мактаб, ўқув ва педагогик жамоалардаги мулоқот ва ўзаро таъсири жараёнида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўрганади. Бундай билимлар тарбияни психологик жиҳатдан тўғри ташкил қилиш учун зарурдир.

Шунингдек, психологиянинг ҳар бир тармоғида бўлгани сингари ижтимоий психологияни ўрганиш ҳам умумий психологияни ўрганишдан бошланади, чунки психиканинг умумий қонуниятларини, асосий тушунчаларни чуқур билмасдан туриб, ижтимоий психология қилиши лозим бўлган муаммоларни кўриб чиқиши мумкин.

### **Ижтимоий психология асосий бўлимлари қўйидагилардан иборат:**

1. Ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг психологик хусусиятлари-ни ўрганиш.

2. Шахс психологияси

3. Кишиларнинг биргаликдаги фаолиятларида амалга оши-риладиган ўзаро таъсири ва мулоқот жараёнлари қонуниятларини ўрганиш.

4. Турли хил жамоалардаги шахслараро муносабатлар.

Ҳар бир шахс ҳамиша маълум ижтимоий гуруҳлар доирасида фаолият кўрсатади. Бу унинг оиласи, меҳнат жамоаси ва бошқалар. Шахснинг якка ва турли гуруҳлар доирасига ўзини тутиши, хулқ-атвори, мавқеи, унга ўзига хос гурухий тазиикқа беруловчанлик каби қатор ҳодисаларни ўрганиш ижтимоий психологиянинг муҳим соҳаларидан биридир

Шахс психологияси, унинг ижтимоий-психология қиёфаси масаласи ҳам бугунги кундаги ўзгаришлар ва маънавий жиҳатдан покланиш даврида ўта муҳим соҳадир.

Ҳар бир шахснинг жамиятда рўй берадиган туб ислоҳотларга муносабати, уларни идрок қилиш ва англаш даражаси, ўз-ўзига нисбатан муносабатининг табиати, хулқидаги ижтимоий мотивлар ва йўналишлар катта аҳамиятга эгадир. Жамият миқёсида рўй берадиган оммавий ҳодисалар шахс табиясида оммавий ҳодисаларнинг, катта гуруҳларнинг таъсирини инкор этиб бўлмайди.

Ижтимоий психология ўрганадиган энг асосий масалалардан бири-муомаладир. Бугунги кунда ижтимоий психологиянинг предмети ҳам ва унинг доирасида ўтказиладиган барча тадқиқотларнинг умумий обьекти ҳам муомаладир. Унинг инсон ҳаётида тутган ўрнини аниқлаш, турли ижтимоий фаолиятлар шароитида самара берадиган муомала турлари ва услубларини ёритиш, унинг соф психологик механизmlарини тадқиқ этиш, фаннинг энг татбиқий йўналишларидандир.

Ижтимолий психология жуда қадимий ва шунинг билан бирга у ўта навқиран фандир. Унинг қадимийлиги инсоният тарихи билан белгиланади. Улар аслини олиб қараганда у ёки бу жамиятда яшаган кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ва тафаккурнинг ҳосиласи эканлиги билан эътироф этилса, у-ўз услубиёти, предмет ива фанлар тизимида тутган ўрнининг янгилиги инсоният тараққиётининг энг янги даврида шаклланганлиги ва ривожига туртки берганлиги билан тавсифланади. Дарҳақиқат ижтимоий психологиянинг фан сифатида тан олиниши хусусида сўз борар экан, унинг расман эътироф этилиши 1908 йил дейилади. Чунки, айнан шу йили инглиз олими В.Макдугалл ўзининг «Ижтимоий психологияга кириш» китобини, америкалик социолог Э.Росс эса «Ижтимоий психология» деб номланган китобини чоп эттириган эди. Бу асарларда биринчи марта алоҳида фан-ижтимоий психологиянинг мавжудлиги тан олинди ва унинг предметига таъриф берилди. Иккала муаллиф ҳам-бири психолог, иккинчиси социолог бўлишига қарамай, бу фаннинг асосий предмети ижтимоий тараққиёт ҳамда психик тараққиёт қонуниятларини уйғунликда ўрганишdir деган умумий холосага келишган. Туғри, мазкур муаллифларнинг ҳар хил фан соҳасининг вакили эканлиги, уларнинг ижтимоий психологик ҳодисалар табиани ёритишга нисбатан ўзига хос қарашларининг мавжудлиги ва бундай ёндошув то ҳозиргача давом этаётганлигига асос бўлди. Рус олимаси Г.М.Андреева таъкидлаганидек, ижтимоий психология соҳасида ишлайдиган мутахассиснинг аслида Ким эканлиги соҳасида ишлайдиган мутахассиснинг аслида Ким эканлиги –психологми, файласуфми ёки социологми,-унинг Ушбу фан предметига ёндошувида ўз аксини топади, чунки агар у социолог бўлса, ижтимоий қоуниятларини аввал бошдан жамиятдаги анъаналар ва умумий қоидалар тилида тушунтиришга интилса, психолог-конкрет олинган шахс психологиясининг қонуниятларини умумжамият қонунда ҳам, шуни асосли тарзда эътироф этиш зарурки, ижтимоий психологиянинг алоҳида фан бўлиб ажralиб чиқишига сабаб бўлган илмий манбаалар икки фан-психология ва социология фанларининг эришган ютуқларм ва қайсисининг доирасида маълум муаммоларнинг ечилиши учун яна қўшимча алоҳида фаннинг бўлиши лозимлигини узоқ йиллар мобайнида ижтимоий психология соҳасида тадқиотлар олиб бораётган шахснинг кимлигига қараб, изланишларнинг натижаларида у ёки бу ёндашув-психологик ёки социологик ёндошувнинг устуворлиги яққол кўзга ташланди. Демак, бу фаннинг туғилиши, ўз предмети соҳасини аниқлаб олишига сабаб бўлган социология ва психология фанлари аслида унинг «ота-оналаридир».

Турли хилдаги жамоаларда инсонларнинг ўзаро таъсир жараёнларига қизиқиши ижтимоий тараққиётнинг дастлабки даврларидаёқ вужудга келган. Инсонлар ижтимоий ҳулқ-атворини дастлабки кузатишлар, яъни ижтимоий психология ҳулқ- фанининг асоалари, антик даврларда Платон ва Аристотель кейинчалик уйғониш даврида П. Гольбох, К. Гельвеий, Д.Дидро, Ж.Ж.Руссо асарларида Россияда А.К.радихев ва XVIII асрнинг бир

қатор олимлари асарларида кузатилган. Бу асарлар турли гуруҳлардаги шахс психологияси ҳақидаги тугалланган билимлар тизимли бўлмасада, индивиднинг жамиятдаги ижтимоий тараққиёти қонуниятларини тушунишга интилиш келтириб чиқаради. Шу тариқа дастлабки ижтимоий-психология назарияларнинг пайдо бўлиши учун насос бўлиб хизмат қилди. Бундай ижтимоий психологик назариялари XIX асрнинг охирларида пайдо бўлди.

Америка ва Европада XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Ижтимоий психология назариялар яратишга бўлган биринчи уринишлар турли хил психологик, социологик мактаб намоёнлари-Г. Тард, Г. Лебон, У. Мак-Даугал-Сигел, Э. Дюргейм номалри билан боғланган. Ижтимоий психология бўйича У. Мак-Даугалнинг «Ижтимоий психологияга кириш» номли асарини биринчи нашр деб ҳисоблаш мумкин. Бу асар 1908 йилда шар қилинган бўлиб, бу сана ижтимоий психологиянинг вужудга келиш даври деб ҳисобаланди.

Ижтимоий психология асосчилари ижтимоий ҳодисаларни тушунтиришда фақат психология позициясида умумий қонуниятларни топишга уриниб кўрдилар. Бунда инсон билан жамият ўртасидаги ўзаро таъсир қонуниятларини тушунишда ижтимоий-иқтисодий омилларининг роли ҳисобга олинади. Улар барча тарих қонунларини психология қонунлари Билан нотўғри алмаштирудилар. Барча ижтимоий ҳолатларни психик ҳолатлар Билан алмаштириб юбордилар. «Жамият» сўзининг синонимии «омма» деб ҳисобладаилар.

Ижтимоий психология вужудга келишининг уч асосий манбаси мавжуд бўлиб, улар:

1. Ҳалқ психологияси назарияси
2. Омма психологияси назарияси
3. Ижтимоий инстинктлар тўғрисидаги назариялар.

**Ҳалқ психологияси назарияси.** XIX асрда Германияда вужудга келди. Унга кўра асосий куч ҳалқ, ҳар бир ҳалққа ҳалқ руҳи хос бўлади. Ҳалқ руҳи дин, санъат, маданиятда акс этади. Ҳалқ-яхлит руҳга эга бўлса, инсон шу яхлитнинг бир бўлаги. Бунда турли ижтимоий қатламлар. Ижтимоий ҳолат ва ижтимоий таъсир кўзда тутилмайди.

**Омма психологияси назарияси.** Бу назария оммада кишиларнинг ўзаро таъсирини ўрганишга ҳаракат қиласди. Асосчиси Габриел Тард 1900 йилда унинг рус тилида «Тақлид турлари» китоби нашрдан чиқади. Бу нарса мувофиқ кишилар гуруҳга бирлашсалар, улар бир-бирларига тақлид қила бошлайдилар. Бу тақлид онгиз бўлиб ақлдан ҳиссиёт устун туради. Омма бекарор бўлиб ақлга тўғри келмайдиган ҳаракатлар қиласди. Агар унга ақлли бошлиқ келса у ҳам омма даражасига тушиб қолади. Омма бетартиб бошқариб бўлмайдиганлиги сабали унга ташқарисидан доҳий керак. У янги қонунлар ўрнатиб оммани тартибга солади. Омма унга кўр-кўронга тақлид қиласди.

**Ижтимоий инстинктлар назарияси.** Бу назариянинг асосчиси Вильям Мак-Даугал ҳисобланади. Ижтимоий хулқнинг асосий сабаби ижтимоий

инстикталардир деб таъкидлайдилар. Бу назария тарафдорлари эмоциялар ҳам инстинктлар Билан боғланган. У хулқ-авторининг биохекиористик талқинига қарши чиқди.

В.Мёде ва Ф.Олпорт бу назарияларни танқид қилдилар. Улар ижтимоий психология эксперимент асосида қурилиши керак, деган фикрни илгари сурдилар. Бунинг учун эса катта гурухлар эмас, балки кичик гурухлар ўрганиши керак деб ҳисобладилар.

В.Мёде ва Ф.Олпорт бирламчи гурухларнинг ўз аъзоларига бирор фаолиятини амалга очириш жараённида кўрсатадиган салбий ёки ижобий таъсири тадқиқ қилдилар. Бунда айниқса индивиднинг гурухга нозитив ёки негатив муносабти ҳолари катта қизиқи уйғотди.

Ижтимоий психология асослари XX аср бошларида психология фанининг учта йўналиш таъсири остида ташкил қилинади. Булар:

Гелетальпсихология, бихевиоризм ва психоанализ.

Бу таъсири кейинчалик бир қанча чет эл шунингдек американлик ижтимоий психологолар ишларида ўз аксини топди.

Асримизнинг бошларида Россияда ижтимоий психология муаммоларига қизиқиш кучаяди. Тадқиқотчилар эътиборини шахс муаммолари қизиқтира бошлади. 20-йилларда инсон хулқ-автори ҳақида фан сифатида рефлексология йўналиши катта роль ўйнади. Бу йўналишнинг асосчиси психоневролог ва психиатр В.М.Бехтерев эди. Бу назарияга мувофиқ ҳар қандай онгли ва онгизи фикрлаш жараёни ташқи жиҳатдан яъни ҳатти-ҳаракатдан, хулқ-авторда намоён бўлади. Рефлексология инсон ҳатти-ҳаракатлари ташқи хусусиятларининг жисмоний, биологик ва ижтимоий таъсиротлар Билан муносабатини ўрганади. Бундай таълимотлар учун характерли хусусият шундан иборат Эдики, улар психология ва социологиядаги қарашларини «Рефлекслар тилига» ўтказишга ҳаракат қилдилар. Бу эса ўз моҳиятига кўра нотўғри йўналиш эди.

Ижтимоий психологиянинг муҳим муаммоларидан бири шахс ва жамоанинг ўзаро муносабатлари муаммоси 20-30 йилларда Россия биринчи навбада болара, ўқувчилар жамоаларидан ўтказилган тадқиқотлар орқали ҳал қилинди. Бу даврда болалар ва ўсмирлар ижтимоий психологиясида иккита йўналиш- биологизаторлик ва социологизаторлик оқимлари аниқланди.

Бироқ бу икала оқим ҳам шахснинг ижтимоий ҳаёт шароитларида ривожланишнинг ҳақиқий тасирини Бера олмадилар, индивиднинг шахс сифатида тарақкий этишида жамоанинг ролини олмадилар. Ижтимоий психологиянинг кейинги тараққиёти шахсни жамоада тарбиялаш каби муҳим масала Билан шахс ва жамоанинг ўзаро таъсирини моҳиятига кўра механик тарзда талқин қилинишининг мос келмаслиги сабабли тўхтаб қолди.

Гурух ва жамоалардаги шахслараро муносабатларга тегишли ғоялар гурухий тавсифлаш таклифлари каби ижобий ишларга қарамай шу даврдаги кўпчилик асарларда шахсий гурухда ривожланишнинг асосий омили сифатида уларнинг ижтимоий муҳитга мослашиши таъсирга бериувчанлик, тақлидчанлик қаралди ва болалар жамоаси таркиб топиши қонуниятлари социология ва жамоа ефлексологияси қонунларидан келтириб чиқарилди.

Ижтимоий психология охирги йилларда психология фанининг етакчи соҳаларидан бирига айланди. Г.М.Андреевна, А.А.Бадалев, Е.С.Кузмин, Б.Д.Паригин, Е.В.Шорохова, М.Г.Ярошевскийлар томонидан кўпгина тадқиқотлар ўтказилди. Республикаизда ижтимоий психология билан профессорлар Г.Б.Шоумаров, В.М.Каримова ва Н.Согинав ҳамда бошқа психологлар шуғулланишмоқда. Ижтимоий психология тадқиқотлар марказида шахс ва жамоа муаммолари убилин боғлиқ бўлган жамоадаги индивидларнинг ўзаро таъсири шахснинг меҳнат ва ўкув фаолиятида шаклланиши механизмалри гурух ва жамоалар жинслигини ошириш йўлларини излашга бағишлиланган мухим масалалар турибди.

Ҳозирги кунда ижтимоий психология кишиларнинг бир-бирларини тушуниш ва идрок қилиш қонуниятларини ўрганиш турли ҳил жамоалардаги ижтимоий психологик муносабатларни комплекс тадқиқ қилиш, жамоалардаги шахслаларо муносабатларнинг кўрсаткичлари- жинслик, жамоанинг мослиги, жамоатчилик кабиларни аниқлаш ва бошқа кўпгина масалалар билан шуғулланмоқда.

## 2-мавзу: ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИЯ МЕТОДЛАРИ

Ҳар бир алоҳида фанда бўлган сингари ижтимоий психологиянинг ўз методлари ва уларни қўллаш воситалари мавжуд. Тўғри, уларнинг аксарияти психология ва социология фанларида қўлланиладиган усувларга яқин, лекин фаннинг предметидаги ўзига хосликни ҳисобга олган уларни ишлатиш йўллари ва маълумотларни илмий жихатдан таҳлил қилишда фарқлар мавжуд.

Масалан, умумий психологияда бўлгани каби ижтимоий психологияда ҳам **кузатиш** методи қўлланилади, лекин кузатув обьекти конкрет шахсдаги психик фаолият бевосита кузатиш мумкин бўлган ижтимоий хулқидир. Яъни, кузатувчи аниқ олдиндан белгиланган режа асосида ўзи ўрганаётган гуруҳнинг фаолиятини, вербал ва новербал ҳатти-харакатларни маълум вақт бирлигига муттасил кузатиб, олинган маълумотларни қайд этиб боради. Бунда замонавий аудио-ва видеотехникадан фойдаланиш, у ёки бу харакатларни қайта-қайта кўриш орқали керакли хулосаларни чиқариш мумкин. Ижтимоий психологияда қўлланиладиган кузатиш методининг асосан уч шакли мавжуд:

А) «кўшилиб кузатиш»- бунда тадқиқотчи (ўша) кузатилувчилар фаолиятига бевосита аралашиб, улар Билан керак бўлса, яшайди ва ишлайди. Бу усулдаги энг мухим хусусият унинг табийлиги бўлиб, кузатиш обьектлари ўзларининг кузатувчини гуруҳнинг аъзоси сифатида қабул қиласидар. Ушбу шартнинг бузилиши экспериментнинг самарасиз бўлишига олиб келиши мумкин;

Б) «ташқи кузатиш»-кузатувчилар фаолиятига аралашмаган ҳолда улар ташқи хулқ-авторини қайд қилишдир. Бу усул муайян вақт ва сабр-тоқат талаб қилиши Билан бошқа методлардан фарқ қиласиди, баъзида қисқа муддат

ицида тадқиқотчи ўзини қизиқтириётган предмет хусусида ҳеч нарса қайд қила олмаслиги ёки тасодифан қўлга киритилган маълумот асосида хуноса чиқаришга мажбур бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу усул бошқа усулларга қўшимча восита сифатида ишлатилади;

В) «муҳим вазиятларни қайд этиш» усулида кузатишнинг моҳияти шундаки, алоҳида шах сёки қутилмаган, тасодифий вазиятга солинади ва уларнинг вазиятга муносабати, ўзини тутиши, зиддиятли ва қиёин ҳолатлардан чиқариш йўллари кузатилади. масалан, гуруҳни атайлаб олдиндан тузилган сценарий ёрдамида мунозарали вазиятга соли шва унда ҳар бир гуруҳ аъзосини ўзини қандай тутиши ва баён этган фикрларини зикр этиш бунга ёрқин мисолдир.

Агар кузатиш методи ижтимоий психологияда умумий психологиядан ўтган усул бўлса, ҳужжатларни таҳлил қилиш социологиядан кириб келгандир. Бу усул ижтимоий фаолиятнинг маҳсулини ўрганишга қаратилган бўлиб, тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, математика ва статистика услублари ёрдамида қайта ишлаш имкониятининг мавжудлиги сабабли маълум афзалликларга эга. Бу усулнинг яна бир номи контент-таҳлил бўлиб, таҳлил қилинадиган ҳужжатлар тоифасига асосан оғзаки (сўзланган нутқ матнлари, суҳбатларнинг ёзиб олинган қисмлари бевосита мулоқот жараёнларида қайд этилган манбаалар) ёки ёзма (расмий ҳужжатлар, газета журналлардаги мақолалар, хатлар, маънавий-маърифий адабиётлар матнлари ва шунга ўхшаш) ҳолда тавсия этилган маълумотлар киради.

Контент таҳлилни қўллашда тадқиқотчи олдида турган асосий муаммо-бу текширув бирликлари бўлиши, категорияларни аниқлашдир. Кўплаб тадқиқотчилар фикрларини умумлаштирган ҳолда таҳлил қилиш учун унинг бирликлари қўйидагилар бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз:

А) алоҳида иборалар ёки сўзларда билдирилган тушунчалар (масалан, демократия, фаоллик, ташаббус, ҳамкорлик ва ҳакозо);

Б) яхлит абзацлар, матнлар, мАқолалар ва шунга ўхшашларда кўтарилиган мавзулар (масалан, миллатларао муносабатлар мавзуси, инсонлардаги миллий қадриятлар, ёшлар маънавияти мавзуси ҳакозо);

В) тарихий алломалар, сиёsatшунослар, Таниқли шахсларнинг номлари;

Г) ижтимоий ҳодиса, расмий ҳужжат, бирор аниқ факт, асар (масалан, оиласвий можаролар, Ўзбекистон Конституциясининг мухокамаси, Янги ёзилган асарга ўқувчиларнинг муносабати ва шунга ўхшаш)

Яхши ўtkазилган контент таҳлил-аслида ижтимоий-психологик тадқиқотларда жуда муҳим аҳамиятга эга. Лекин олинган маълумотларнинг иншончлилиги баҳоси, Айни шу фактни текшириш учун бошқа методларни ҳам қўллаш ва маълумотларни солиштириш ҳамда Айни обьектни Айни вазиятда қайта таҳлил қилиш йўллари Билан эришилади. Тўпланган миқдорий маълумотлар математик статистика методлари ёрдамида қайта ишловдан ўtkазилмоғи лозим. Контент-таҳлил тадқиқотчидан каттагина ўқувни талаб қиласи, чунки бир томондан у ёки бу матнни тушунишнинг

маҳорати бўлиши керак. Иккинчидан, тадқиқот сўнгига қўлга киритилган миқдорий натижаларни яна қайта сифат шаклига келтириш ва тушунтириб бериш лозим.

**Сўров методлари.** Сўров методлари ижтимоий психологик талқиқотларда кенг қўлланилади, Айниқса, **анкета** сўрови ва интервью шулар жумласидандир. Бу методларни қўллашда қатор методологик қийинчиликлар вужудга келади, биринчидан, доим шахслараро муносабатлар, ўзаро таъсир шакллари мавжуд, иккинчидан, тадқиқотчининг субъектив муносабатларини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Тадқиқот мобайнида шахслараро идрок қили шва субъектив бир-бирини тушунишга қаратилган барча қонуниятлар ишлайди. Шунга қарамай, жуда кўп ижтимоий психологик маълумотларни энг қулай усувлар сифатида ишлатиб келинмоқда.

Интервью ўтказиш учун одам маҳсус равишда тайёргарлик қўриши керак, чунки у тадқиқотчидан қатор муҳим шахс сифатларининг бўлишини талаб қиласди. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологияда «роли ўйинлар» методи ёрдамида психолог ёки социолог маҳсус тайёргарлик курсидан ўтади.

**Анкета** методи ҳаммага таниш бўлган усувлардан бири. Лекин кўпинча анкетани ўтказган одам унинг тузилиши қанчалик қийинлигини тасаввур қилмайди. Анкетага киритилган саволлар маълумотига кўра анкета очиқ ва ёпиқ турларга бўлинади. Очиқ анкета респондентдан ўз фикрини эркин баён этишни талаб қиласди, ёпиқ шаклдаги анкета саволларининг эса жавоблари олдиндан берилган бўлиб, текширилувчи ўзига маъқул бўлган, ўзининг қарашлари, фикрлари Билан мос келган жавобни белгилаб беради. Очиқ саволларнинг камчилиги-респондентларнинг ҳар доим ҳам қўйилган вазифага етарли даражада маъсулият Билан қарамасликлари ҳамда берилган жавобларни статистик жиҳатдан ишлов беришдаги қийинчиликлар бўлса, ёпиқ анкетада респондентга текширилучи (томонидан ўз) фикрига эргашишга ўхшаш ҳолатларда респондент ё уммуан жавоб бермаслиги ёки «таваккал» қилиб бир ваиантни белгилаб бериши мумкин.

Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда яrim ёпиқ саолардан иборат анкеталар тузилмоқдаки, уларда жавоб варианtlаридан ташқарии қўшимча тарзда фикр билдириш учун қўшимча қаторлар берилади.

Анкетага киритилган саволлар тўғридан-тўғри берилиши мумкин. Масалан, «... хусусида Сизнинг фикрингиз?», «...эканлигини биласизми?», «...Сизга маъқулми?» ва шунга ўхшаш. Лекин саволлар билвосита берилса ҳам у яхши қабул қилинади. Масалан, «Баъзи одамлар..., деб ҳисоблайдилар. Сизчи?», ёки оиласвий даромад тадқиқотчини қизиқтирганда тўғридан-тўғри «Даромадингиз қанча?» демасдан, балки уй-рўзғор буюмлари рўйхати ва бошқа пул Билан боғлиқ нараларнинг бор ёки йўқлигини сўраш йўли Билан ҳам ўрганиш мумкин. Кўпгина тадқиқотларда текширилувчилага «проектив» саоллар ҳам берилади. Бунда шахсга бир қанча ҳаётий вазифалар у ёки бу хулқ-атвор шакллари таклиф қилиниб,

улар ичидан ўзига маъқул, у маъқуллаши мумкин бўлган жавобни ианлаш топширилади.

**Ижтимоий психологик тестлар.** Тестлар психологиянинг маҳсус усулидир. Улар қисқа синов усули бўлиб, у ёки бу ижтимоий психологик ҳодиса қисқа муддат ичидаги бир техник восита сифатида унинг ёрдамида текширилади. Тестлар асrimизнинг бошида кашф қилинган бўлиб, улар 20-30 йилларда ҳаётга, амалиётган шунчалик шиддат билан кириб келди, натижада маҳсус соҳа-психометрика юзага келди. Тестларни қўллашнинг қулайлик томони шундаки, бир тест ёрдамида маълум объектнинг у ёки бу хусусиятини бир неча марта, такрор-такрор синааб кўриш мумкин. Лекин уларни универсал деб бўлмайди, чунки у ёки бу тест муайян турдаги объектда синалган бўлса, уни шунга ўхшаш объектлардагина қўллаш мумкин, холос, қолаверса ундан олинган маълумотлар нисбий хусусият касб этади.

**Ижтимоий психологик эксперимент.** Ижтимоий психологик эксперимент-бу ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш мақсадида текширувчи Билан текширилувчи ўртасидаги мақсадга йўналтирилган мулоқотdir. Бундай мулоқотнинг юзага келиши учун экспериментатор, яъни текширувчи маҳсус шароит яратади ва анна шу шароитда аниқ режа асосида факторлар тўплайди. Умумий психологияда бўлгани сингари, ижтимоий психологияда ҳам унинг табиий ва лабаратория турлари фарқланади.

Лабаратория эксперименти одатда маҳсус шароитларда, алоҳида хоналарда, зарур асбоб-ускуналар ёрдамитда ўтказилади. Чет элларда биринчи марта лабаратория шароитида ижтимоий психологик ҳодисаларни, хусусан, якка тартибда ва гуруҳ шароитида шахсдаги билиш жараёнлари, тафаккур, сезирлик ва бошқа қатор жараёнларнинг намоён бўлишини Г.Оллпорт, В.Меде, Майер, К.Левин ва бошқалар ўрганган бўлса, Россияда биринчи лабаратория шароитида ижтимоий психологик тадқиқотни рус олими В.М. Бехтерев ўтказган эди. У маҳсус асбоблар ёрдамида идрокнинг аниқлигини, хотиранинг сифатини, кузатувчанлик хусусиятларини якка ҳамда гуруҳнинг борлиги ҳар бир унинг аъзоси психикага бевосита таъсир этишини исбот қилди.

Лаборатория эксперименти кейинчалик Б.Г.Ананьев, Е.С.Кузьмин В.с.Мерлин, В.Н.Мясиҳев, Л.И.Уманский кабилар томонидан Янги қирралари ишлаб чиқилди ва ижтимоий психологияда аппаратура услуби кенг қўлланила бошланди. Масалан, инглиз олими Р.Эшби томонидан кашф қилинган, кейинчалик Ф.Д.Горбов ва бошқалар томонидан такомиллаштирилган гомеостат методи, Л.И.Уманский томонидан яратилган гуруҳ учун интеграторлар пайдо бўлди ва амалиётда бир гуруҳ доирасида рўй берадиган ҳодисаларни, хусусан, гуруҳдаги бир дамлик, ўзаро мослик, лидерлик каби ҳодисаларни текширишда кенг фойдаланила борилди.

**Проектив методлар.** Улар тест усулларининг бир кўриниши хисобланиб, уларда текширилувчига аниқ тизимга ёки кўринишга эга бўлмаган ноаниқ нарсалар тавсия этилди ва уларни шарҳлаш топшириғи

берилади. Бинобарин, текшириувчига турлича талқин қилиш мумкин булган расмлар, тугалланмаган ҳикоялар, бирор аниқ қўриниши мавжуд эмас буюмлар, ёғочлар берилиши, ёки уларга қараб текшириувчи ўзининг ҳиссий кечинмалари, қизиқишлари, Дунеқараши нуқтаи-назаридан баҳолаши кутилади.

Проектив усуллар қаторига машҳур «Роршахнинг сиёҳ доғлари» тестини киритиш мумкин (1921 й). Бу-икки томонлама симметрик шаклда берилган 10 хил доғлардан иборат бўлиб, ҳар бир «доғ» ниманинг шаклини эслатиши сўралади. Унинг оғзидан чиқсан сўзлар, ассоциацияларга қараб (уларни контент-таҳлил қилиб), шахс хусусиятлари юзасидан хуроса чиқарилади. Яна бир проектив усул- бу С. Розенцвейгнинг расмли ассоциацияларидир. Бунда турмушда тез-тез учраб турдиган зиддиятли вазиятларни акс эттирган расмлар текшириувчига тавсия қилинади. Бу расмларда бир томонда гапираётган ҳолда гавдалантирилади, унга қарама-қарши томондаги шахс эса ҳали жавоб қайтариб улгурмаган, текшириувчидан текширувчи тез, қисқа муддат ичидан бўш катакларга қайтарилиши кутилаётган жавобни ёзишни сўрайди. Берилган жавобларга қараб шахснинг йўналиши, унинг зиддиятларга муносабати, жаҳолат ҳиссининг хусусиятлари, бу ҳиснинг кимларга қаратилганлиги ва шунга ўхшашиб фактлар тўпланади.

Шундай қилиб, биз ижтимоий психологияда анъанавий қўлланиб келинаётган асосий методларга тўхталиб ўтдик. Лекин ҳозирги даврда ҳаёт фандан татбиқий хусусиятга эга бўлишини талаб қилаётганлиги туфайли бу қаторга бир туркум методларни киритиш лозимки, улар ижтимоий психологиядаги фаол тайёргарлик методлари деб аталади. Уларга ижтимоий психологик тренингнинг барча шакллари киритилади. (хар бирининг батафсил тафсилоти ушбу китобнинг кейинги бобларида баён этилади). Улар ўз моҳиятига кўра, шахс ва гуруҳнинг маълум сифатларини шакллантирувчи экспериментни эслатади. Лекин уларнинг фаол методлар тоифасига киритилишига асосий сабаб-бу усуллар ёрдамида қисқа фурсатда бевосита мулоқот шароитида кутилаётган самарага эришилишидир. Яъни таҳлил қилиб чиқилган методлардан шахсдаги ёки гуруҳда шаклланган хусусиятларни қайд қилиш эмас, балки таркиб топтириш лозим хислатларни амалиётчи психолог ёки ижтимоий ходимнинг фаол аралашуви орқали ҳосил қилишга қаратилгандир. Ижтимоий амалиёт соҳасига кириб келаётган Ушбу методлар туркуми тафсилотига китобда кенг ўрин берилган.

### **3- Мавзу: Ижтимоий психологияда гуруҳлар ва жамоа**

Олимларнинг ҳисобларига кўра, Ер юзида нафақат 5,5 миллиардга яқин индивидлар, балки улардан иборат бўлган 200 га яқин миллий-давлатчилик тузилмалари, 4 миллионга яқин аҳоли пунктларидан иборат географик ҳудудлар, 20 млн.дан зиёд иқтисодий уюшмалар, юзлаб миллионли турли расмий ва норасмий ташкилотлар ва муассасалар (оила,

мачит, черков, тураг-жой ширкатлари ва ҳакозо) мавжуд бўлиб, уларнинг алоҳида шахсларга таъсирини билиш муҳим масаладир.

Одамлар ўртасидаги ёки бошқача қилиб айтганда, шахсларро муносабатлар асосан гурҳ шароитида, шахс маълум инсонлар даврасида, гурухида, жамоада булган тақдирда рўй беради. Шахсга бир вақтнинг ўзида турли ижтимоий гуруҳларнинг таъсири бўлиб туради.

**Гуруҳ**-маълум ижтимоий фаолият мақсадлари асосида тўпланган, мулоқот эҳтиёжлари қондириладиган инсонлар уюшмасидир. Содда қилиб айтадиган бўлсақ, гуруҳ-икки ва ундан ортиқ одамлар ўзаро муомала қиладиган ва бир-бирларига таъсир қиладиган уюшмадир. Гуруҳ учун иккита асосий мезон мавжуд: бирор фаолиятнинг бўлишилиги (мехнат, ўқиш, ўйин, мулоқот, майший манфаатлар) ҳамда у ерда одамларнинг ўзаро мулоқоти учун имкониятнинг мавжудлиги.

Шахс ижтимоий мавжудот. У ўзининг ҳаёти давомида бошқа кишилар билан бевосита мулоқотда бўлади ва бу орқали ўзининг ижтимоий моҳиятини амалга оширади. Бундай мулоқот турли хил гуруҳларда рўй беради. Гуруҳлар бир неча асос бўйича тавсифланиши мумкин. Булар:

1. Ўзаро муносабатларнинг яқинлиги ва чуқурлигига қараб кичик ва катта гуруҳлар фарқланади.

2

жиҳатдан мавжуд бўлган кишилар бир-бирлари Билан хеч вақт учрашмасликлари ҳам мумкин, лекин шу Билан бирга гурухга ажратиш бўйича умумий ижтимоий психологик хусусиятларга эга бўлади. Масалан, ўсмирлар мамлакатимизнинг қайси шаҳар ва қишлоғида яшашидан, хеч қачон бир ерга тўпланмасликларидан қатъий назар шартли гурухга бирлаштирилиши мумкин. Тузилиш, тамойили ва усули бўйича- шартли, реал расмий ва норасмий гуруҳларга бўлинади.

3. Шахснинг гуруҳ нормаларига бўлган муносабатига кўра референт гуруҳлар фарқланади.

Гуруҳлар ундаги одамлар сонига кўра катта ва кичик гуруҳларга бўлинади.

Психологияда кўпроқ кичик гуруҳлар ўрганилади.

Катта гуруҳлар. Бу умумий фазо ва маконда мавжуд бўлган кўп сонли жамоасига мактаб педагогик жамоасини мисол қилиш мумкин. Бироқ бу кишилар, масалан кўпчилик ўқитувчилар бир-бирлари билан бевосита ўзаро алоқаларда бўлмаслиги ҳам мумкин, лекин шу Билан бир вақтда уларнинг барчаси Айни бир раҳбарга бўйсунади, битта касаба уюшмаси аъзоси ҳисобланади ҳамда мактаб ички ҳаётининг барча қоидаларига амал қиласди.

**Кичик гуруҳ**-нисбатан барқарор, таркиби жиҳатидан аъзоси унчалик кўп бўлмаган, умумий мақсад Билан боғланган кишиларнинг бирлшамаси.

Бунда кичик гуруҳ аъзолари ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилади ва амалга оширилади. Бу гуруҳда умумий мақсад бўлиб, унинг аъзолари бу мақсадга эришиш йўлида ўзларининг барча кучларини сафарбар этадилар. Кичик гурухга киравчи кишилар бир-бирларини шахсан биладилар ва гурух

олдида турган вазифаларни ҳал қилиш учун бир-бирлари Билан мuloқотда бўладилар.

Уни неча киши ташкил этиши, неча кишининг ҳамкорликдаги фаолияти кўпроқ самара бериши масаласи Амалий аҳамиятга эгадир. Кўпчилик олимлар гурухнинг бошланғич нуқтаси сифатида миқдор жиҳатдан икки кишини тан олишади. Масалан: Янги оила куриб, бирга яшаётган кишилар, севишганлар, икки дўст-ўзига хос кичик гурух.

Р.С.Немов кичик ижтимоий гурухларнинг қуидаги таснифини таклиф этган:

Шартли (номинал) гурух- фақатгина ном

Реал (ҳақиқий) гурух-ҳақиқатдан мавжуд бўлган кишиларнинг ўюшмасидир. Бу гуруҳдаги кишилар реал алоқа ва муносабатлар мақсад ва вазифалар Билан ўзаро боғланган бўладилар. Реал гурух қисқа вақт ёки узоқ муддат давомида мавжуд бўлиши, сон жиҳатдан кўп ёки оз бўлиши ҳам мумкин.

Расмий (формал) гурух-расмий ҳужжатлар асосида тузилган гурух (низом, штат) ишлаб чиқаришдаги таъминот бўлими, олий ўқув юртидаги талабалар гурухи- расмий гурухлардир. Бундай гурух аъзолари ўртасидаги иш юзасидан бўладиган алоқалар ўрнатилади, бу алоқалар хукуқликини топшириқ бажаришдаги жавобгарликнинг кам бўлишини кўзда тутади.

ҳам турлича бўлиши мумкин.

Биринчидан баъзи ўқувчиларнинг синфдошлари томонидан рад этилиши улар Билан бўладиган мuloқотнинг қизиқарли эмаслиги билан ҳам тушунтирилади.

Иккинчидан ажралиб қолганлик гуруҳдошлари Билан алоқа ўрната олмасликка ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Гуруҳлар ёки жамоаларда ўзича бошчилик ролини оловчи шахс фарқланади.

Психологияда бундай шахс лидер дейилади.

Лидер гурухни ташкил этиш ва бошқариш учун тайинланиши ёки белгиланиши Норасмий (ноформал) гурух- психологияк мотивациянинг ягона йўналиши асосида симпатия қарашларнинг яқинлиги эътиқод асосида вужудга келади. Бунда расмий ҳужжатлар ҳеч қандай кучга эга эмас. Агар симпатия ва ўзаро боғлиқлик йўқолса гурух ҳам тарқаб кетади.

Референт (эталон) гурух-реал ёки ҳаёлан мавжуд бўлган гурух бўлиб, унинг қарашлари қонун-қоидалари намуна бўлиб ҳисобланади. Гуруҳ нормаларини тан оловчи, уларни энг яхши деб ҳисобловчи ва уларга қўшилувчи шахс шу гуруҳга Кириши мумкин. Бунда шахс бу нормаларга қўшилибгина қолмай уларни ҳимоя қиласи ва зарур бўлса ташвиқот қилиши мумкин.

Ҳар бир гурух ўзига хос психологик тизимга ҳам эга. Уни ташкил этувчи элементлар нисбатан барқарор бўлиб, улар гурух аъзолари ҳулқ-авторини мувофиқлаштириб туради. Аввало гурухнинг мақсадини ажратиш керак.

Мақсад-одамларни жамоа мөхнати атрофида уюштириб, бирлаштирувчи психологик элементдир. Масалан-барча талабаларнинг мақсади-ўқиши, профессионал малака орттириб, мутахассис бўлиб етишиши гуруҳнинг **автономлиги даражаси** ҳам маълум аҳамиятга эга омил, чунки ҳар бир аъзо умумий мақсад асосида бирлашган бўлса ҳам, уларнинг ҳар бирининг ўз бурч ва вазифалари бор ваш у нуқтаи-назардан ҳар одам ўз имкониятларини ўзига ишга солиб, ўзаро муносабатларга сабаб бўлади. Гуруҳнинг психологик тизимга таъсир этувчи омилларига яна уларнинг жинсий, ёш жиҳатдан, маълумоти ва малакаси нуқтаи-назаридан фарқ қилувчи ва уйғунликни ташкил этувчи омиллар ҳам киради. Гуруҳнинг уюшганлиги ҳам динамик кўрсатгичлардан бўлиб, шу нуқтаи-назардан ҳар бир гуруҳ бир-биридан фарқ қилади. Масалан, одамлар ҳамкорликда бажараётган ишнинг қизиқарли, ва ҳамма учун манфаатли эканлиги, гуруҳ меъёрларининг аъзоларининг аъзолар томонидан умуман олганда қабул қилиниши, қадриятлар тизимини тасаввур қилишдаги фикрлар мослиги уюшқоқликнинг мезонлариdir.

Гуруҳларни ривожлантириш даражасига кўра бир қанча турларга ажратиш мумкин. Булар:

1. ташкил этилмаган гуруҳлар;
    - а. ассоциациялар;
    - б. диффуз гуруҳлар;
  2. ташқаридан ташкил этилган гуруҳлар; ташкилотлар- ишлаб чиқариш, ўкув, касаба уюшма ташкилотлари, ҳарбий қисм, турли хил жамиятлар.
  3. ичкаридан ташкил этилган гуруҳлар;
    - а) корпорация;
    - б) жамоа;
- одамлар ижтимоий бирлашмаси ривожланишининг юқори шакли-жамоадир.

Жамоа-бу кишиларнинг фаолиятининг умумий мақсадга эришиш йўлида психологик жипслиги ва умумий фойдали мотивлар Билан тавсифланувчи гуруҳдир.

Жамоанинг мухим белгиси-мақсад ва вазифаларнинг ижтимоий аҳамиятига эга эканлигидир. Агар бу белги бўлмаса, гуруҳ жамоа деб аталиши мумкин эмас.

Фаолият мақсадга кўра:

- а) касбий жамоалар ишлаб чиқариш жамоалари, ижодий, ҳарбий, ўкув жамоалари;
- б) ижтимоий ташкилотлар-касаба уюшма, турли хил партиялар, ёшлар ташкилотлари;
- в) қўнгилли жамиятлар-илмий, илмий-ташвиқот, ҳарбий, спорт ташкилотлари.
- г) ҳаваскор жамоалари-бадиий ҳаваскорлик жамоалари, коллекционерлар жамияти кабилар фарқланади.

Бошқа жамоалар тизимида тутуган ўрни ва алоқаларига қараб, бирламчи ва асосий жамоаларда шахс икки хил муносабатда-хизмат юзасидан бўладиган ва шахсий муносабатларда бўлади.

Хизмат юзасидан бўладиган муносабатлар. Гуруҳ таркиби Билан бирга ҳужжатларга қайд этилади. Шахсий муносабатлар шахслараро тизимини ташкил этади.

Гуруҳ аъзолари бир-бирларига нисбатан бир хил ҳолатда бўла олмайдилар. Гурухнинг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий ва ишга тааллуқли бўлган сифатларига, ўзининг мавқеига кўра гурухдаги шахслараро муносабатлар тизимида муайян ҳолатга эгаллайди.

Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, айrim кишилар бошқаларга нисбатан кўпроқ обрўга эга бўладилар.

Эксперимент маълумотларга кўра синф жамоасида, яъни 30-40 ўқувчи ичидаги энг машхур, обрўлиси 3-4 ўқувчи бўлиши мумкин

Уларнинг машхурлиги нимага боғлиқ?

Биринчидан бунинг сабаби бу ўқувчиларнинг гурухнинг бошқа аъзолари Билан алоқа ўрната олиш малакалариdir.

Иккинчидан шахс ўзининг билими ва малакалари туфайли бу билимлар Билан ўртоқлашиб бошқа кишиларга беғараз ёрдам кўрсатишга интилиш сабабли машхур бўлиши мумкин.

Учинчидан ташқи кўриниш туфайли ҳам шахс гурухда авторитет қозониш мумкин. Бу омилга жисмоний куч кўрсаткичини ҳам киритиш мумкин. Бу омилга жисмоний куч кўрсаткичини ҳам киритиш мумкин.

Гуруҳ ёки жамоадаги баъзи аъзолар шахсий муносабатларда четда қоладилар. Улар бундай аъзолар шахсий ўзаро муносабатларда четда қоладилар. Улар бундай алоқалар ўрнатиш учун ўзларига шерик танлайдилар. Бироқ бу шахс иш юзасидан бўладиган муносабатларга киришадилар, унга берилган ролни яхши бажарадилар. Жамоа бу аzonинг шахсий муносабатлари жамоадаги ташқарида яхши ўрнатилади.

Гурухдаги шахс яна шундай ҳолатларда ҳам бўлиши мумкин, бунда уни гурухдошлар дўстликда шахсий муносабатларда рад этадилар. Гурухдаги яккалақ қўйиш (изоляция) ва рад этиш сабаблари мумкин.

Лидер қўйидаги вазифаларни бажаради.

1. гурухда мақсадга вазифаларни бажаради.
2. гурух аъзолари ўртасида жавобгарликни тақсимлаш;
3. муайян мухитни ташкил этиш;
4. гурух аъзоларининг фаоллиги ошириш

Ўзаро муносабатлар моҳасига бўйича лидерларнинг икки тури фарқланади:

1. расмий лидер.
2. норасмий лидер.

Расмий лидер-лидерликка сайланган ёки тайинланган лидер бўлиб, Ушбу жамоанинг фаолиятига расман жавобгар ҳисобланади.

Норасмий лидер-расмий лидерлик мавқеини эгалламаганлигига қарамай, кўпчилик томонидан эътироф этилгач, обрўга эга бўлган лидер.

Лидерлик услублари:

1. авторитарт услуг
2. демократик услуг
3. либерал услуг

Демак Айни бир жамоада бир неча лидер мавжуд бўлиши мумкин. Агар жамоада лидерлар кўп бўлса, бу ижобий ҳолат. Лекин бунда лидерларнинг аҳлоқий нормалари бир-бирига зид келмаслиги лозим. Лидерларнинг турли-туманлиги жамоа хайитининг турлича бўлишини таъмнайди. Лидерлар ўртасида ўзаро муносабатлар жамоадаги психологик иқлиминг муҳим томонидир. Бундан ташқарии жамоанинг психологик иқлимга жамоа аъзолари ўртасидаги шахсларо муносабатлар ҳам катта таъсир кўрсатади. Бунда жамоа аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг З хил даражасини кўрсатиш мумкин:

1. дарака-симпатия ёки антипатия аосида вужудга келувчи фзаро муносабатлар.
2. дарака-иш ёки ўқиш юзасидан бўладиган ўзаро муносабатлар.
3. дарака-инсоний муносабатлар ёки чуқУр ишончга асосланган ўзаро муносабатлар.

Жамоадаги нормал психологик иқлимини белгиловчи бевосита кўрсаткичлар ҳам мавжуд

1. жамоадаги эркинлик атмосфераси.
2. мулоқот турли шаклларнинг мавжудлиги
3. умумий мақсадни тушуниш ва унга эришиш интилиш.
4. фикр-мулоҳазаларни очиқчасига айтиш имкониятининг мавжудлиги.
5. танқид қилиш эркинлиги. Низоларнинг ҳам мавжуд бўлиши.
6. жамоа аъзолари ўртасида вазифаларнинг тўғри тақсимланиши
7. бошлиқнинг норасмий лидер бўлиши
8. ходимлар кўнимсизлигининг камлиги.

Булардан ташқарии жамоанинг психологик иқлимига бир қанча омиллар таъсир кўрсатиш мумкин.

Ўқувчи талабалар жамоасидаги маънавий психологик иқлиминг ташкилотчиси-ўқитувчи грух разбари ҳисобланади. Ҳар бир грух раҳбари жамоада нормал психологик иқлимини яратиш учун унга таъсир этувчи омилларни яъши билиши зарур. Чунки яхши ташкил этилган жамоада нормал психологик иқлим мавжуд бўлганда грух аъзоларининг ўзлаштирилиши, тартиб интизоми сақлаши ҳам яхши йўлга қўйилади.

Грух ва жамоалардаги шахсларо муносабатларни ўрганиш кузатиш, эксперимент турли хил сухбат методларидан фойдаланилади. Шахслараро муносабатларни ўрганиш методларидан яна бири-социометрия методидир.

Бу методнинг моҳияти шундан иборатки инсон у ёки бу кўрсаткич бўйича грух аъзоларини танлайди. +илинган танлашлар аосида кишининг грухдаги шахслараро муносабатлар тизимида тутган ўрни ҳақидаги хуносаси чиқаради.

Демак социометрия методи ёрдамида гурух аъзолари ўртасидаги симпатия ёки антисимпатияни аниқлаш мумкин, социометрия методни апператив тарзда ўтказиш, унинг натижаларини эса математик равища қайта ишлаш ва график тарзда ифодалаш мумкин.

Социометрия тадқиқот методи сифатида тан олиш Билан бир қаторда унинг баъзи камчиликларини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур.

Асосий камчилик шундан иборатки социометрия методи мавжуд муносабатлар тузилишининг сабабларини имконини бермайди. Ушнинг учун ҳам социометриядан олинган маълумотлар кузатиш сұхбат педагогик эксперимент натижалари Билан тўлдириши лозим.

Социометрия методидан гурух жамоа аъзолари ўзаро бир-бирларини яхши билган ҳолатлардагина юзасидан бўладиган шахсий муносабатлардаги ҳақиқий ўрнини аниқлаш бирламчи гурухлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини топиш, бирламчи гурухларнинг пайдо бўли шва тарқаб кетиш сабабларини аниқлаш мумкин.

Социометрия методнинг моҳияти шундан иборатки, текшириувчига бирга қилинадиган ишлар ёки гурух аъзоларининг ишларини биргаликда бажаришга ҳоҳишлиари тўғрисида саволлар берилади. Бериладиган саволлар танлаш кўрсаткичлари дейилади. Кучли ва кучсиз кўрсаткичлар фарқланади. Кучлилар чуқур ва барқарор муносабатларни кучсизлари эса юзаки ва беқарор муносабатларни аниқлашга имкон яратади.

Кучли ва кучсиз кўрсаткичлар мазмун жиҳатдан турлича бўлиши мумкин, лекин улардаги умумий нарса-натижа яъни шерик танлашdir. Социометрик тадқиқотдан олинган маълумотлар асосида социограммалар тузилади. Агар гурух аъзоларисони 20 тадан кўп бўлса социометрик матрица тузиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек натижаларни график равища занжир, учбурчак ёки юлдузча шаклида ҳам ифодалаш мумкин. Шундай қилиб социометрия методи объектив ва аниқ маълумотлар, яъни шахснинг гуру ҳёки жамоадаги реал ҳолатини акс эттирувчи маълумотлар олишга имкон беради ва амалий мақсадларда фойдаланиш мумкин

#### **4-мавзу: ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ШАХСНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

«Шахс» тушунчаси психологияда энг қуп қўлланиладиган тушунчалар сирасига киради. Психология ўрганадиган барча феноменлар айнан шу тушунча атрофида қайд этилади. Инсон руҳий олами қонуниятлари Билан қизиқкан ҳар қандай олим ёки тадқиқотчи ҳам шахснинг ижтимоийлигива айнан жамият Билан бўлган алоқаси масаласини четлаб ўтолмаган.

Шахс-ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъекти бўлмиш индивиддир. шахсга тааллуқли бўлган фазилатлардан энг муҳими шуки, у шу ташқи, ижтимоий таъсирларни ўз

онги ва идроки Билан қабул қилиб (объектни), сўнгра шу таъсирларнинг субъекти сифатида фаолият кўрсатади.

Шахс ижтимоий ҳулқига турли ташқи кучлар, ижтимоий муносабатлар мажмуи таъсир қиласи: сиёсий, мафкуравий, иқтисодий, маънавий, аҳлоқий ва бошқалар.

Шахс турли ижтимоий муносабатлар тизими таъсирида бўлади ва қўплаб ижтимоий институтлар оила, маҳалла, санъат, маданият ва бошқалар Билан боғлиқ бўлади. бу таъсирлар моҳиятан аслида жамият аъзолари бўлмиш шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг айrim алоҳида йўналишларини белгилаб беради.

Шахс-жамият аъзоси сифатида турли хил муносабатлар, аввало, моддий бойликларни ишлаб чикариш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келувчи муносабатлар соҳасидаги таъсирида бўлади. Шахснинг психологияси унинг озодлиги, эзилувчи эканлигига, сиёсий ҳукуқларга эга ёки эмаслигига ижтимоий ҳаёт масалаларини муҳокама қилиш ёки хукмрон синфнинг иродасини бажарувчи эканлигига боғлиқ

Шахс шунингдек ғоявий муносабатлар таъсирида ҳам бўлади. Жамят ҳақидаги ғоялар тизими шахснинг психологияси, унинг дунёқараши, ижтимоий установкаларини шакллантиради.

**Ижтимоий установкалар-** соф психологик маънода янгича тафаккур ва Дунёқарашни шакллантирувчи ва ўзгартирувчи ижтимоий психологик механизmdir. Бу-шахснинг атроф-муҳитида содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни, объектларни, ижтимоий гуруҳларни маълум тарзда идрок этиш, қабул қили шва улар Билан муносабатлар ўрнатишга руҳий ички ҳозирлик сифатида одамдаги Дунёқарашни ҳам ўзгартиришга алоқадор категориядир.

Ижтимоий фанларни ўзлаштиришда шахсга ижтимоий тараққиётда ўз ўрнини англашга ёрдам беради. Жамият мактабдаги таълим ва тарбия, радио, телевидения ва бошқа оммавий ахборот воситалари ёрдамида шахсга ғоявий таъсир ўtkазади.

Шахснинг ижтимоий муносабатлар маҳсули дейилишининг энг асосий сабаби-унинг доимо инсонлар даврасида, улар билар ўзаро таъсир доирасида бўлишини англатади. Бу шахснинг энг етакчи ва нуфузли фаолиятларидан бири мулоқот эканлигига ишора қиласи. Мулоқот жараёнида кишилар ўзаро бир-бирларига таъсир этадилар. Ва унинг натижасида жамиятга, инсонларга шахсий сифатларга нисбатан қарашлардан психологияси установка ҳамда бошқа муносабатларда умумийлик таркиб топади.

Шахснинг мулоқот доирасига қанчалик кенг бўлса унинг, ҳаётининг турли соҳалари Билан алоқаси шунчалик турли-туман бўлади, шахс ижтимоий муносабатлар дунёси қанчалик чуқурроқ кира олса унинг маънавий дунёси ҳам бой бўла боради. Шахснинг позицияси-бу унинг муносабатлари тизимиdir. Шахснинг психик хусусиятлари инсонинг ижтимоий тажрибаси, унинг ижтимоий установкаларини белгилайди.

Шахснинг шаклланишини у яшайдиган жамият шароитлари у оладиган таълим тарбия белгилашади.

Демак инсон шахс сифатида ижтимоий ҳал қилувчи таъсири остида таркиб топади. Тажрибанинг кўрсатишича инсоният жамиятдан ташқарии гўдак ҳақиқий тараққиё этган инсон шахс бўла олмайди. Ҳар бир бола яшайдиган ижтимоий муҳит бир эмас балки бир неча қаватдан (зонадан) иборат. Энг яқин ва биринчи қават оиласиди муҳитдир. Оиласа қараганда кенгроқ қаватни боланинг ўртоқлари, тарбиячилари муаммолари ташкил қиласиди. Ва ниҳоят энг кенг қават-ижтимоий муҳит хисобланади. Ундан ташқарии бевосита ҳатти- ҳаракат намуналари, алоҳида кишиларнинг мулоҳазалари орқали эмас балки китоб ва газета, радио, кино, телевидение, жамиятда ўрнатилган қонун-қоида, одатлар, аҳлоқ талаблари, маънавият, миллий қадриятлар орқали амалга оширилади. Бироқ агар боланинг шахсий фаоллиги мавжуд бўлмаса, муҳит унинг тараққиётига таъсир кўрсата олмайди. Фақат ўзининг шахсий фаоллигини кўрсатгандагина бола атроф-муҳитнинг таъсирини ҳис қилиши, шундагина унинг расмий хусусиятлари намоён бўлиши мумкин

Шахс, унинг дунёни билиши, ўзини ва атрофидаги инсоний муносабатларни англаши, тушуниш ва ўзаро муносабатлар жараёнида ўзидаги такрорланмас индивидуалликни намоён қилиш ҳамда Ушбу жараёнларнинг ёшга ва жинсга боғлиқ айrim жиҳатларни таҳлил қилиш бизга умумий равишда шахс-жамиятда яшайдиган ижтимоий мавжудотдир, деган холосани қайтаришга имкон беради. Яъни, у туғилган онидан бошлаб ўзига ўхшаш инсонлар қуршовида бўлади ва унинг бутун руҳий имкониятлари ана шу ижтимоий муҳитда намоён бўлади. Чунки агар инсоннинг онтогенетик тараққиёти, яъни туғилган онидан то умрининг охиригча бўлган тараққиёти даврига эътибор берадиган бўлсак, ўзига ўхшаш мавжудотлар даврасига тушади ва кейингина ижтимоий мулоқотнинг барча кўринишларининг фаол обьекти ва субъектига айланади. Шу нуқтаиназардан, ҳар биримизнинг жамиятдаги ўрнимиз, унинг қачон ва қандай шароитларда пайдо бўлгани, жамиятга қўшилиб яшашимизнинг психологик механизmlари фаннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу жараён психологияда ижтимоийлашув ёки социализация деб юритилади. Ижтимоийлашув ёки социализация-инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир. Демак, инсон-фаол мавжудот. Унинг тарбиявий таъсирлари муҳит таъсирининг пассив обьекти эмас шунинг учун ҳаётнинг ташқи шароитлари ташқи таъсирлари инсон шахси бевосита, балки унинг муҳит Билан ўзаро таъсири жараёни орқали унинг шу муҳитдаги фаолияти ёрдамида белгилайдилар.

Шу туфайли муҳит тарбиявий таъсир ҳақида гапирганда уни инсоннинг ташқи муҳит Билан фаол таъсир жараёни тарбияланувчининг фаол ўзаро алоқаси сифатида тушуниш керак.

Инсоннинг индивид сифатидаги ҳамда ижтимоий муносабатлар субъекти яъни обьектив дунёни фаол акс этирувчи мия хусусияти ўртасида

узвий боғланиш мавжуд. Индивид психикаси эга. Шу Билан бир қаторда индивид шахс сифатида яъни ўз табиатига кўра ижтимоий шахслааро муносабатлар субъект ҳам ҳисобланади. Шундай қилиб шахс ва психикаси ўртаси узвий алоқа мавжуд, яъни улар бир-бирлари Билан чамбарчас боғланган. Аммо бу субъект шахси Билан унинг психакаси айнан бир нарса дегани эмас М: ёқимли (аттракция)- бу инсон шахси характеристикасидир. Бироқ бу хусусият инсон психакасининг характеристикиси сифатида қарши мумкин эмас. Чунки бу инсон бошқалар учун ёқимли ва шу кишилар психикасида онгли ёки онгсиз равишда ёқимли инсонга нисбатан эмоционал муносабат, муайян установка шакланади. Инсоннинг ёқимлиги унда кўрсатилган ҳар қандай таҳлил ҳам нима учун баъсзи жамоаларда ушбу субъекти ёқимли бошқаларида ёқимсиз шахс сифатида намоён бўлишини тушунириб Бера олмайди. Бу саволга жавоб бериш учун Ушбу жамоалар ижтимоий-психологик таҳлил қилиши зарур. Шундай таҳлил натижасида шахсни тушуниш учун яратилади. Демак гурухнинг ривожланиш даражасини аниқламасдан туриб шахснинг ёқимлик ёки ёқимсизлиги сабабларини аниқлаш мумкин эмас.

Шахснинг ривожланиш жараёни инсоннинг индивидуаллиги характеристиковчи эмоционал ва иродавий билиш жараёнларининг ривожланиши сифатида қарамаслиги керак. Шахс гуруҳда яъни манна шу гуруҳда ўрнатиладиган ўзаро муносабатлар ва мулоқот таъсирида ривожланади. Демак, гурухнинг тараққиёти шахснинг гуруҳда ривожланиш омили сифатида намоён бўлади. Индивид ўзига хос эҳтиёж, яъни индивидуал хусусиятлар шахс бўлиш эҳтиёжи қондирилишини таъминлайди ва турли ишларни амалга оширишга имкон яратади. Ушбу ривожланиш даражасига эга бўлган гурух жамоалар катта аҳамиятга эга. Шахс ривиожланишини Янги ижтимоий муҳитга қўшилиш ва у Билан бирлашиш сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бу муҳитнинг стабиллиги турлича бўлиши мумкин. Шартли равишда бу муҳитни доимий ўзгармас деб қаратилади (масалан, мактабнинг биринчи синфи, ишлаб чиқариш бригадаси, ҳар бир қисми ва х.) нисбатан барқарор бўлган муҳитда шахснинг ривожланиши З та босқичини босиб ўтади. Булар-адаптация, индивидуализация ва интеграция босқичларидир.

## 5-мавзу: ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИЯДА МУЛО+ОТ МУАММОСИ

Мулоқот психология фанининг энг муҳим тушунчаларидан биридир. Ижтимоий-психологияда мулоқот ўринлардан бирини эгаллайди. Мулоқот «фаолият» тушунчаси Билан узвий боғланган. Мулоқот фаолият турларидан бири сифатида қаралади. Мулоқот биргаликдаги фаолиятга бўлган эҳтиёжлар туфайли туғилувчи жараёндир. А.В.Петровский таъбири Билан айтганда ,

мулоқот биргаликдаги фаолият өхтиёжлари натижасида вужудга келувчи, кишилар ўртасида алоқа ўрнатиш ва ривожлантиришнинг кўп қиррали жараёнидир. Бироқ, мулоқот фақат биргаликдаги фаолиятга өхтиёж туфайли туғулувчи жараён эмас, балки у шахслааро ўзаро таъсир жараёни ҳам. Мулоқотнинг тузилишини когнитив-ахборот, бошқарувчанлик, аффектив эмпатия, ижтимоий-перцептив томонлар ташкил этади.

Ҳар қандай фаолият ҳам ижтимоий табиатга эга ва кишилар ўртасида турлича тақсимланган. Шунинг учун фаолиятни ташкил этиш учун кишилар ўртасидаги мулоқотни талаб қиласди. Айнан катталар Билан бўладиган мулоқотгина бола ижтимоий-тарихий тарихини ўзлаштиради. Мулоқот кишиларнинг ҳар қандай ўзаро таъсири эмас, балки шундай ўзаро таъсирки, бу жараёнда унинг ҳар бир қатнашчиси фаол бўлиб, субъект сифатида, шахс сифатида намоён бўлади. Мулоқот инсоннинг ўзига хос өхтиёжини, бошқа заруриятлар озиқ-овқатга, иссиқлика, таъсиротлага фаолликка, хавфсизликка интилиш каби өхтиёжлардан фарқланувчи өхтиёжни қондиришга қаратилган. Мулоқотга өхтиёж ўзини ва бошқа кишиларни шахс сифатида англашга, айнан бошқа кишиларга ва ўз-ўзига баҳо беришга қаратилишида ифодаланади. Шунинг учун бунда охирги психологик маҳсулот-бошқа кишининг ва ўзининг образи бўлиб, шу туфайли инсон фаолиятини бошқаради.

Мулоқот боланинг дунёга келиши Билан дарҳол вужудга келмайди. Балки аста-секин таркиб топа бориб, бола 2 ойлик бўлганида намоён бўлади. Мулоқот нормалнерв системасига эга бўлган барча болаларда нормал тарбия шароитларида мавжуд бўлади. Гўдаклик даври мулоқот учун тайёргарлик босқичи бўлиб, бу давр давомида бола катталарни ажратишга ўрганади. Диққатни катта кишига қаратади олиш таркиб топаётган мулоқотнинг белгиси бўлиб хизмат қиласди. Демак, мулоқот мақсадга қаратилган тарбия асосида ривожлантирилиши зарур.

Шундай қилиб, мулоқот кишилар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг муҳим шакли бўлиб ҳисобланади. Мулоқот бу кишилар ўртасидаги алоқа. бу алоқа натижасида бир кишининг бошқа бир кишига таъсир этиши амалга оширилади. Мулоқот ёрдамида кишилар турли хил фаолиятни ташкил этадилар, ахборот билан алмашинадилар, ўзаро бир-бирини тушунишга эришадилар.

Биргаликдаги фаолият мулоқот бўлишини талаб этади. Айнан биргаликдаги фаолиятда инсон бошқа кишилар билан ўзаро таъсирга киришади, улар билан турли-туман алоқалар ўрнатади, зарур натижага эришиш учун биргаликда харакатлар қиласди. Бу ерда мулоқот фаолиятининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Фаолиятнинг барча турларида мулоқот уни режелештиришини амалга ошириш ва назорат қилишни таъминлайди. Мулоқот шахснинг ривожланишида катта аҳамиятга эга. Мулоқотсиз шахснинг таркиб топиши, шаклланиши мумкин эмас. Айнан мулоқот жараёнида тажриба ўзлаштиришлади, билимлар тўпланади, амалий кўникма ва малакалар шаклланади, эътиқод ва қарашларга эришилади. Фақат мулоқот жараёнларидагина маънавий өхтиёжлар,

аҳлоқиё, сиёсий ва эстетик ҳислар таркиб топади, характер шаклланади. Инсоний мулокот ва жамиятнинг тараққиёти мураккаб жараёндир. Мулокот имкониятлари жамият ривожланиши Билан кенгайиб боради. Шу Билан бирга маълум жамиятнинг тараққиёти кишилар ўртасида бўладиган мулокот, алоқага ёки бошқа жамиятлар Билан бўладиган муносабатларга боғлиқдир.

Мулокотнинг мақсади ва унинг қай даражада амалга оширилишига кўра самарадорлиги ҳақида фикр билдириш мумкин.

Муомала киришувчи томонларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишга олиб келувчи йўл ёки мааром ўз навбатида ўша шахсларнинг ўзаро бир-бирларини мавқе бўйича билишни таъминлайди. Мулокотнинг психологик тизимидан шу нарса маълумки, унинг уч асосий қисми, яъни муомала субъектларининг ўзаро бир-бирлари Билан ахборот, ҳиссий кечинмалар ва фикр алмашинуви таъминловчи коммуникатив, ўзаро бир-бирларининг ҳулқ-атворларига таъсирларини белгиловчи интерактив ва бир-бирларини тўғрироқ, Аникроқ идрок қилиш ва баҳолашларни таъминловчи перцептив томони мавжуд. Ушбу тизимнинг ҳар бир томон муомаланинг зарурий ва муҳим таркиблари ҳисобланиб, унинг учинчи бўлаги шахслараро таъсир ўтказиш учун жуда муҳим муомалага киришувчи шахслар бир-бирларини яхши тушунишлари учун, аввало сухбадошнинг юзи, ҳиссий кечинмаларини идрок қилган ҳолда фикран унинг мавқеида тура билиши, унинг ўрнида ҳис қилиб ўзида хукм сураётган ҳис туйғулар доирасида унинг ҳолатига интилиш (идентификация), қолаверса, бу жараёнда индивидуал ва ижтимоий онгда мавжуд бўлган мутлоқ стереотин, онгда ўрнашиб қолган тасаввурларда фойдаланиши (стереотинизация) ушбу жараён тўғри кечишини таъминлаб туради.

Мулокот жараёнининг самарадорлигини таъминловчи ижтимоий психологик омиллар ичida шахснинг мулокот маромини эгаллаш кўрсаткичи муҳим ўрин тутади. Бу сифат мулокот саводсизлигига зид бўлиб охирги ҳислат қуидаги омилларга боғлиқ.

1. Ўзгалар мавқеида тура олмаслик, уларнинг ҳиссий кечинмалари, туйғулари ва муносабатларига бефарқлик;

2. Ўз ҳис-туйғулари ва муносабатларини бошқара олмаслиги, ўзига-ўзи маъсулиятнинг йўқлиги, ўз-ўзини таҳлил қилиш имконининг заифлиги;

3. Сухбатда ҳар бир инсон учун бир қарашда табиий ҳисобланган нутқ қобилиятнинг йўқлиги яъни фикр-мулоҳазалардаги мантиқ ва узвийликнинг мавжуд эмаслиги;

4. Эшлиш қобилиятининг кучсизлиги, яъни бирорвга мурожаат маъносида гапириш қанчалик буюк фазилат ва маъсулиятли фаолият бўлса, ўзгаларни сухбатдошни тинглаш ҳам шахсдан қатор сифатларни талаб қиласиди, тинглай олиш ўқуви ҳам сухбатни ўзига оғдиришнинг муҳим омилидир.

Бу омилларнинг кучига эътиборсизлик, ўзгалар мавқеида тураолмаслик момалада субъектив ҳодисани келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам тўғри

йўлга қўйилган самарали мулоқот ва уни таъминловчи воситалар икки асосий камчиликни бартараф этишга хизмат қиласди:

-ҳар бир шахс тафаккурнинг муқобил бўлиши мумкинлигини англаши, яъни сухбатдош аввал бошдан ўзгаларга ҳам ўзининг фикрига қарама-қарши фикр бўлиши мумкинлигини тушуниши ва бу нарса Билан ҳисобланиши зарурлиги;

-ўз фикрлари ва ҳаракатларининг мотивлари уларнинг асл сабабларини англаш имконияти: яъни ҳар бир шахсда ўз шахсий тажрибаси, ҳаётда субъектив муносабатлари оқибатида «Эго»-эҳтиёжлар мажмуи шаклланиб борадики, у бошқалардаги айнан шундай эҳтиёжлардан қарама-қарши ёки қисман зиддиятли бўлиши мумкин.

Муомаланинг самарадорлиги ва унинг омиллари тўғрисида гаприганда унинг стратегияси ва тактикаси тушунчаларига бироз изоҳ бериш жоиз. Муомала стратегияси деганда унинг қандай шаклда ўтиши тушунилади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда унинг қўйидаги шакллари фарқланади: диолог ёки монолог; очик ёки интим (сирли яширин); ролли ёки шахсий норасмий кабилар.

Муомала техникаси деганда, унинг самарасини таъминловчи психологияк омиллар, воситалар, усууллар тушунилади. Бу шахс ёки гуруҳнинг коммуникатив малакалари ёки кўнилмалари йифиндисидан иборат бўлиб, энг аввало нутқ қобилияти ёки эшитиш укуви уларнинг жозибали ва таъсирчан чиқишида қўлланадиган барча ҳиссий эмоционал ва психологик характерологик услублари киради. Бундан ташқари мулоқот техникаси деганда ушбу жараёнда бевосита иштирок этаётган ёки аникроқ қилиб айтганда қўлланиладиган нутқий вербал ёки аникроқ қилиб назарда тутилади. Маълумки, одамлар ўзаро мулоқотга киришганда энг самарали ва табиий сўзлашиш воситаси бўлмиш нутқдан фойдаланадилар, унинг таъсирчанлиги ва кучи табиий ўша сўзловчиларнинг малакаларига, тажрибасига ва омилкорона фойдалана олишларига боғлиқ. Ўзбек тили шу қадар жозибали, гўзал ва бойки, нотиқлик маҳорати унинг барча имкониятларидан ўз ўрнида ва моҳирлик Билан фойдаланишига боғлиқ. Лекин ана шу мулоқот ўз навбатида уни ҳиссий жиҳатдан тилига боғлиқ, лекин ана шу нутқсиз-новербал воситалари Билан бойтиладики, унга ўша сухбатдошларнинг бир-бирларига нисбатан фазовий жойланишларидан тортиб, то товушлар, интоннациялар, тўхталишлар, оҳанглар ва эмоционал қўллаб-қувватлаш механизмлари киради. Мулоқот сўзлаш санъати Билан бир қаторда эшитиш уқувив а техникаси ҳам катта аҳамиятга эга, зеро эшитиш ёки тинглашнинг ҳам ўзига хос нозик томонлари мавжуд. Аввало эшитиш ёки тинглаш гапириш учун мавжуд ёки тинглаш эса тушуниш учун даркор. Бу икки ҳолатда тингловчининг юз ифодасидан тортиб, то сухбатдошини фикр алмашиши учун тинглагандаги унинг диққати шу даражада таранг бўладики, натижада у то бирор луқма ёки аниқ бир фикрни тугатмагунча, уни тинглайверади. Иккинчи ҳола ахборотни тушуниш учун ишлатилади, бунда тингловчининг сухбатдошга нисбатан мавқеи олдингисидан анча суст кечади.

Тинглаш техникасининг икки босқичи фарқланади:

- 1) қўллаб-куватлаш босқичи;
- 2) шарҳлаш босқичи.

Биринчидан моҳияти асосан сұхбатдошга ташаббусни бериш ва унинг фикрларини охиригача баён этишга имконият бериш бўлиб, бунда бир қанча воситалар қўлланилади. Булар-«акс-садо»-ҳар бир жумла ёки фикр охирида унинг охирги сўзларини қайтариб туриш: маъқулловчи ёки эътиroz билдирувчи луқмалар қайтариувчи сўзлар билан сұхбатдош фикрларини ҳиссий маъқуллаш. Масалан, «қаранг-а», «қойил», «йўғ-э» кабилар; «чорлаш ва кувватлаш» воситаси ҳам айрим луқмалардан иборат бўлади, масалан, «кейин нима бўлади», «яна-чи», «яшанг» сингарилар; «аниқлик киритувчи саволлар», масалан, «нима демоқчисиз» ёки «аниқ мақсадингиз нима экан, ўзи» ва хоказо; «қўшимча луқмалар»-бунда гапнинг мазмунидан келиб чиқиб айрим аниқликлар киритилади.

Шарҳлаш-бу сўз мавқеи ва муносабатини тўлароқ баён этишга ҳаракат қиласи. Бунда тингловчи танқидий мулоҳаза ҳам билдириши мумкин, ёки аниқ фикрни маъқуллайди, эътиroz билдиради. Бундан ташқарии, тинглаш жараёнида сұхбатдошнинг фикрларини таҳлил қилиши, маслаҳат билдириши, сұхбатдош фикрларини ўз сўзлари Билан қайтаришга ёки айтганларининг йўналишини ўзлаштириш мақсадида бошқа предметга кўчириши ёки ҳазилга айлантириши мумкин. Булар сұхбанинг жонли, мазмунли, самарали бўлишини таъминлайди. Шундай қилиб, мулоқт уч хил йўналишда тушунилиши мумкин:

- 1) мулоқот- инсон фаолиятининг мустақил тури сифатида;
- 2) мулоқот-инсон фаолияти бошқа турларининг атрибути сифатида;
- 3) мулоқт-субъектларнинг ўзаро таъсири сифатида.

Мулоқот кўп жиҳатдан мулоқотнинг ижтимоий-психологик механизmlарини самарали қўлланилишига боғлиқ. Мулоқотнинг бу вазиятларини психология ёрдамида бошқаришга ўрганишdir. Мулоқотнинг муҳим ижтимоий психологик механизmlари ишонтириш, тақлид, уқтириш.

Ишонтириш-у ёки бу мулоҳаза ёки хулосани мантиикий асослаб бериш жараёниdir. Ишонтириш ҳам сұхбат ёки тингловчилар онгини шундай ўзгартиришни назарда тутадики, у мазкур нуқтаи-назардан ҳимоя этиш ва шунга мувофиқ ҳаракат қилишга тайёргарлик вужудга келтиради. Ишонтириш- шах сёки гурухга таъсир этиш усули бўлиб, у шахснинг ҳам ақлий ҳам ҳиссий соҳаларига даҳлдор.

Тақлид қилиш психик таъсирнинг бир тури сифатида асосан индивид томонидан ҳулқ-атвор, ҳатти-ҳаракат, юриш-туришнинг муайян ташқи хусусиятларини такрорлашга қаратилгандир.

Бир одамнинг бошқа одамга ёки одамлар гурухига сўзлар ва бу сўзларда ифодаланган фикрлар ҳамда иродани нотанқидий идрок этишга қаратилган психик таъсир-уқтиришdir. Уқтиришнинг моҳитяи шундаки, тингловчининг гапираётгандан тўла ва сўзсиз ишончи мавжуд, гапираётган одамнинг сўзлари тингловчида гапираётган одам назарда тутган тасаввурлар, образлар ва ҳис-туйғулар уйғотади, уйғотилган тасаввурларнинг

тўла равшанлиги ва сўзлиги шундай ҳаракатлар қилиш заруратини келтириб чиқарадики, бу тасаввурлар бошқа шахс воситасида эмас, балки тингловчининг ўзида бевосита кузатиш ёки билиб олиши орқали қилинади. Уқтиришга берилиш- одамга хос бўлган психик хусусиятлардан бири, одамларнинг мулоқотдаги ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнларидан бири сифатида уқтириш ихтиёрий ва ихтиёrsиз, бевосита, билвосита бўлиши мумкин.

## 6-мавзу: ОИЛАВИЙ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ПСХОЛОГИЯСИ

Шахснинг тараққиёт даставвал оилада амалга ошади. Оила инсон шахси асосий хусусиятларини шакллантирувчи энг муҳим ҳисобланади. Оила-бу борада ўзаро яқин одамларнинг маънавий жиҳатдан бирлиги ҳамда ўзаро тушуниши гарови, инсон ҳаёти мазмунининг муҳим бирлиги томони бўлган ижобий эмоционал интим муносабатлар манбаи.

Оила аъзоларининг фаолияти турли туман ўзаро муносабатлар ва ўзаро таъсирдан иборат бўлиб, улар оилавий ҳаётнинг турли соҳаларини-хужалик, аҳлоқий, интим томонларини ўз ичига олади ҳамда оиладаги мажбуриятларни тақсимланишини талаб қиласди.

Оиладаги биргаликда фаолият унинг аъзолари, катталар ва болалар ўзаро муносабатларни белгилайди. Агар биргаликда фаолият мавжуд бўлмаса, ёки кучсиз бўлса, бу ҳолда оилавий муносабатларда муҳим деформация (бузилиш) вужудга келади. Бу ўз навбатида бола шахси тараққиётiga таъсир этади.

«Оила» тушунчаси шахс учун қандай мазмунга эга. Бола учун оила-бу унинг ота-онаси, ака-укалари, буви ва бувалари, қариндош-уруғлари бўлиб, улар бола тарбиясида муайян даражада иштирок этадилар. Ёшлар учун, яъни энди оила қурганлар учун оила-бу аввалом бор рафииқаси, болалари, ота-онаси, қариндошлари.

Оила ундаги эр-хотин муносабатлари масаласи бир қанча диний, илмий, оммабоп асарларда етарлича кенг батафсил баён қилинган. М: «Авесто»да ҳам бу масалалар ўз ифодасини топган. Унда аёлга муносабат, аёлнинг роли вазифалари, никоҳ шартномаси, ҳуқуқий, ижодий, ижтимоий, ақлий томондан эр -хотинларнинг teng ҳуқуқлиги, оиланинг мустаҳкамлиги таъсир этувчи омиллар: ажралишларга муносабат, рашқ, эркак ва аёлнинг манфаатлари каби масалаларга алоҳида тўхтаб ўтилган. «Авесто» да кўрсатилишича оилада ота етакчилик вазифасини ўтайди. Диққатга сазовор жиҳат шундан иборатки бунда аёлнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўша даврда ҳам қонун даражасида кўрилган.

Оила тўғрисидаги тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун унда ўрнатиладиган ўзаро муносабатларни ҳисобга олиш зарур. Булар:

1. эр-хотин
2. фарзанд ота-она

3. ота-она-фарзанд типидаги ўзаро муносабатлар бўлиб, оиланинг ижтимоий-психологик бирлигини ташкл этади. Манна шу ўзаро муносабатларнинг барчаси мавжуд бўлган оила тўлқонли оила деб ҳисобланиш мумкин.
4. фарзанд-фарзанд

Оиланинг турли мезонларга кўра бир қанча турларини фарқлаш мумкин.

1. Тўлиқликка кўра; а) тўлик, б) нотўлик, в) қайта тузилган оилалар.
2. Бўғинларга кўра; а) нуклеор (ота-она ва болалар) б) кўп бўғинли (икки ва ундан ортиқ авлод оилалар бирга яшаса) оилалар.
3. Фарзандлар сонига кўра;  
а) фарзандсиз; б) бир бола; в) икки бола; г) 3-4 бола д) 5 ва ундан ундан ортиқ болали оилалар.

#### 4. Эр хотиннинг ижтимоий келиб чиқишига кўра

- а) ишчилар;
- б) деҳқонлар;
- в) хизматчилар;
- г) зиёлилар оиласи;
- д) тадбиркорлар;
- е) аралша турдаги оила

#### 5. Регионал жиҳатларга кўра:

- а) шаҳар, б) қишлоқ, в) аралаш типдаги оила

#### 6. оилада эр-хотин орасидаги муносабатларга кўра;

А) авторитар Б) демократик В) либерал Г) аралаш типдаги оила;

Булардан ташқарии ёшига кўра, никоҳдан қониққанлик даражасига кўра, миллатига кўра, эр-хотиннинг маълумот савиясига кўра ва бошқа кўрсаткичлар бўйича оила турлари фарқланади.

Оила жамиятнинг бир бўлаги сифатида одамлар орасидаги муносабатларнинг бошқарувчиси бўлиб ҳисобланади. Жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий нормалар ва маданият намуналари эр-хотин ўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши керак, ота ёки она билан фарзандлар, ўғил ёки қиз билан қарии ёшдаги ота-оналар ўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши керак, ота ёки она Билан фарзандлар, ўғил ёки қиз Билан қарии ёшдаги ота-оанлар ўртасидаги муносабатлар учун этalon бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир оила ижтимоий тизим сифатида жамият олдида маълум бир функциялари ҳақида гапирганда, бир томондан жамиятнинг оилага таъсирини, иккинчи томондан эса умумий тизимда оиланинг ўрнини,

оиланинг ҳал қиласидиган ижтимоий вазифаларини бажаради; иқтисодий, репродуктив фелициотологик ва бошқалар.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги замон оиласида эмоционал ва ижтимоий-психологик жараёнларни қондириш вазифасининг аҳамияти ортиб бормоқда, ҳатто соф моддий табиатга эга бўлган вазифаларда ҳам ҳиссийлик кўпроқ ривожланиб бормода, ҳиссий эмоционал алоқаларнинг аҳамияти шаҳар оилаларида кучлироқ эканлиги англашмоқда. +ишлоқ оилалари эса шаҳар оилаларига қараганда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи бўғинлигини ишлаб чиқарувчилик вазифасини кўпроқ сақлаб қолмоқда.

Оиланинг иқтисодий функцияси унинг асосий вазифаларидан биридир. Оила иқтисоди, бюджети, даромадини режали сарфлаш, кундалик харажатга, зарур буюмларга пул ажратиш, маблағ йиғиши, режали рўзғор юритиш эр-хотиннинг катага тажриба, малакага эга бўлишига боғлиқ. Шунингдек оилада ўсаётган фарзанд ҳам манна шу малака ва кўникмаларга эга бўлиб бориши зарурлигини унутмаган ҳолда ўғил-қизга иқтисодий масалаларни ҳал этишни ўргата бориши лозим.

Оиланинг репродуктив (жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш) вазифасининг асосий моҳияти инсон наслини давом эттиришдан иборатdir.

Оиланинг вазифаси фақатгина Янги авлодни дунёга келтирибгина қолмасдан, инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб таништирган ҳолда, уларнинг саломатлигини саклашдан ҳам иборатdir.

Болаларнинг ақлий, жисмоний, аҳлоқий эстетик тарбиясига оилада асос солинади. Мустақилликка эришгач, миллий қадриятларнинг тикланиши ва миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз бу борада катага аҳамиятга эга, фамиятнинг муҳим вазифаси даражасига киради. Оиланинг коммуникатив вазифаси оила аъзоларининг ўзаро мулоқот ва ўзаро тушунишга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қиласи. Ўзбек оиласининг ўзига хос хусусияти; кўп авлодлилик, кўп фарзандлилик кабилар бундай оилалар аъзолари ўртасида мулоқотни тўлароқ амалга ошишига асос бўлади, уларнинг ўзаро мулоқотга бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим рол ўйнайди.

Оиланинг рекреатив функцияси-ўзаро жисмоний, моддий, мънафий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир-бириннинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзоларининг дам олишини ташкил этиш демакдир.

Ҳозирги замон оиласининг тобора аҳамияти ортиб бораётган функцияларидан бири унинг фелициотологик вазифасидир. Шахсий фаравонликка эришишга интилиш оилавий муносабатлар тизимида кўп жиҳатдан ҳали омил бўлиб бормоқда.

Оиланинг регулятив вазифаси оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқариш тизимини, шунингдек бирламчи ижтимоий назоратни, оилада устунлик ва обрўни амалга оширишни ифодалайди. Бунда катталар томонидан ёш авлодни назорат қилиш ва уларни моддий ҳамда маънавий томондан қўллаб-куватлаш назарда тутилади.

Оиланинг редакция вазифаси-оила аъзоларининг жинсий, эмоционал фаолиятини, руҳий-жисмоний қувватини, меҳнат қобилиятини Яна қайта тиклаш демакдир.

Демак, оила жамиятнинг бир бўлاغи асосий ячейкасидир. Шунинг учун оиланинг ўз вазифаларини муваффақиятли бажариши нафақат унинг ички ҳолатига шу билан бирга жамиятни соғломлаштириш учун оиланинг ўз вазифаларини муваффақиятли бажариши нафақат унинг ички ҳолатига шу Билан бирга жамиятни соғломлаштириш учун, энг аввало, муносабатларни йўлга қўйиш, оиланинг фақат ички муаммоларинигина эмас, балки умунижтимоий муаммоларни ҳам ҳал қилишга ҳисса қўшишини таъминлаш зарур.

## **7-мавзу: Фаол ижтимоий психологик методларнинг турлари ва хусусиятлари**

Ижтимоий психологияда фаол ижтимоий психологик тайёрлов методлари деганда, аввало шах сёки гурухни самарали мулоқот малакаларига ўргатиш ва улардаги коммуникатив билимдонликни ошириш усуллари тушунилади. Демак, инсон ўз ҳаётида шахсий тажриба, ижтимоий малака ва кўникмаларни орттириб бориши жааёнида ҳосил бўладиган стихияли, бевосита шаклланадиган ижтимоий билимдонлик ёки коммуникатив саводхонликдан фарқи ўлароқ, фанда Ушбу жараёнларни мақсадли шакллантириш, шахс ва яхлит гурух фаолиятига тааллуқли ижтимоий фазилатларни тезлаштириш учун қўлланиладиган услублар мажмуи мавжуд. Баъзи адабиётларда уларни қисқача қилиб, ижтимоий психологик тренинг (ИПТ) деб аташади. «Тренинг» тушунчаси инглизча «ўргатиш», «Машқ» деган маънони англатиб, ижтимоий психологик тренинг-бу турли ижтимоий фаолият соҳаларига шахсни тайёрлашдан иборат бўлиб, бунда асосий эътибор шахс ёки яхлит гурухнинг мулоқот ёки коммуникатив фаолияти соҳасидаги билимдонлик даражасини мақсадга мувофиқ тарзда ошириш жараёнини акс эттиришdir. Масалан, кўплаб олийгоҳларда ижтимоий фаолиятнинг у ёки бу соҳалари учун мутахассислар тайёрланади. Лекин уларнинг келгуси фаолиятларида одамлар Билан мураккаб муносабатларга ўргатиш, ўзини ва ўзга шахслар ҳамда яхлит ижтимоий гурухлар фаолиятларини бошқаришга машқлантириш ва зарур ижтимоий малакаларни орттиришга қаратилган тадбирлар ва тайёргарлик мажмуаси тренингdir. Яъни у шахсни ижтимоий мулоқотга олдиндан мақсадли тарзда тайёрлаш демакдир.

Махсус тарзда уюштирилган тренингда эса алоҳида вазиятлар ва ҳар бир ўйин иштирокчисининг шахсий эҳтиёжлари, уларда индивидуал шаклланиши зарур бўлган сифатлар катта роль ўйнайди ва шахс атайлаб бу ижтимоий психологик вазиятга ўзгалар томонидан қўйилади. Тренинг методларинининг асосий вазифалари қуйидагилар билан изоҳланади:

- 1) шахснинг ижтимоий психологик билимдонлигини ошириш;

- 2) мулокот (муомала) фаолиятида намоён бўладиган яққол билимлар, малакалар ва кўникмаларни ҳосил қилиш;
- 3) самарали мулокотда намоён бўладиган зарур сифатлар, ижтимоий установкаларни шакллантириш, ноадекватларини тузатиш (коррекция;)
- 4) ўзгалар нутқи, реакцияларини аниқ ва тинглаш, мимика ва ҳаракаталр моҳиятини тўғри талқин эти шва тушуниш;
- 5) тингловчилар ва ўйин иштирокчиларининг эҳтиёжлари ва қизиқишиларига қарши бормаслик;
- 6) режалаштириш қобилиятининг бўлиши, бунда олдинда кутилаётган жараённинг барча муҳим ва номуҳим жиҳатларини олдиндан тахминан бўлса ҳам, тасаввур қилиб, аниқ режа туда олиш;
- 7) ўзига ишонч, эътиқоднинг мавжудлиги, реал тафаккур ва ироданинг бўлиши.

Бошловчи тренернинг асосий вазифалари ҳам унинг шахсига қўйиладиган талаблардан бевосита келиб чиқади. Яъни, у аввало таълим дастурига эга бўлиши керак. Дастурга мос сценарийлар танлай билиши, уларни керак бўлса, ҳар бир аниқ ҳолат ва вазиятга мослаштириши, машғулотларни ташкил қилишда ҳам Ушбу ҳолатларга эътибор қаратиши шарт. +атнашчиларнинг ёши, жинси, касбий малакалари, маданияти даражаси ва эҳтиёжларига мос равишда дастур ва сценарийларга ўз вақтида тузатишлар киритиш қобилиятига эга бўлиши, машғулотлар шакли, вақти, жойини ҳам юқоридаги омилларга мос равишда танлаш уларнинг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Имконият борича, тингловчиларни Машғулотлар бошланишидан аввал мавзу бўйича ёзма матнлар Билан таъминлаши ва маъruzаларни иложи борича, ўзи ўсиб, амалий машғулотларга ҳам бегоналарни жалб қилмагани маъқул. Чунки бу ерда «нимага ўргатиш» ва «қандай ўргатиш» деган саволларга жавобгар шахс шахс бир киши бўлса, ҳаракатларда уйғунлик бўлиши мумкин.

Ижтимоий психологик тренингда бошловчи ролига дуч келган шахсларни жалб этиб бўлмайди. Чунки Машғулотларни ўтказувчи маҳсус танловларда иштирок этган бўлиши ва унда унинг коммуникатив маҳорати, ўз-ўзини назорат қила олиш қобилияти, босиқлиги, хиссиётларнинг муқобллиги, уларга маълум маънода тургунлик хос бўлиши шарт. Танловни умуман холис эксперталар ўтказиб, тренерларни тайёрлаш курслар ҳам нисбатан узоқ муддатга мўлжалланган сабоқ бўлади.

ИПТда самарали мулокотга эришиш учун қуйидаги омиллар ҳисобга олиниши мақсадга муваофиқ:

А) мақсаднинг аниқ бўлиши, унинг бошловчи ва иштирокчилар томонидан бир хил идрок қилиниши ва тушуниши. Демак, бу ўринда гурухий ва индивидуал мақсадлар ўртасидаги мослик ва келишувнинг мавжудлилиги эътибор қаратилиши шарт;

Илмий адабиётда фаол ижтимоий психологик тайёрлов методлари шартли равишда уч гурухга бўлинади:

**1.Мунозара методлари.** Бу туркумга асосан гурух доирасида ўтказиладиган мунозаралар, беллашувлар, кундалик Амалий фаолиятда

учрайдиган турли ҳодисаларни таҳлил қилишлар, ахлоқий ҳулқ-атвор шаклларини мұхокама қилишлар киради. Баъзан бу тоифа усуллар ҳулқ-атвор ёки амалий мұлоқот деб аталади.

**2. Ўйин методлари** Бунга дидактик ва ижодий ўйинлар; бошқарув фаолиятига тааллуқли амалий ўйинлар; ролли ўйинлар, ҳулқ-атвор шаклларига ўргатиш, ўйинли психотерапия, психодраматик коррекция; конт्रўйинлар киради. Кўпинча, бу туркум методларни қисқача ролли тренинг деб атashади.

**3. Перцептив тренинглар** Бу туркумга асосан махсус гурухларда олиб бориладиган сезгирилик тренинглари, сензитив тренинглар киради. Бундан кўзланган асосий мақсад шахслараро мұлоқот жараёнида шахсий қийинчиликларни бошдан кечирадиганларда ўзига ишонч, сезгирилик ва инсоний мұносабатлар сирларини ўргатиш ва шахснинг ўзи ҳамда яхлит психофизиологик тасаввурларни янада ойдинлаштиришга ёрдам беришдир. Охирги пайтларда Ушбу ва бошқа мақсадларда ҳам видеотренинг усули пайдо бўлдики, бу фан-техника тараққиётининг инсоний мұносабатлар соҳасига ҳам кириб келганлигидан далолат беради. Видеотренинг кўпроқ шахсий ҳулқни коррекция қилиш-тузатиш мақсадларига хизмат қиласди. Ижтимоий психологияда барча тренинг методларига хос бўлган қуйидаги умумий сифат ёки хусусиятлар фарқланади;

-Энг мұхим хусусият-бу фаоллиқдир, яъни тренинг гуруҳи аъзолари машғулотларнинг қайси тури бўлмасин, аввало фаол шахсий мавқеда бўлишлари ва уни машғулот охиригача сақлашлари шарт, бу ҳолат умуман ушбу услубнинг фаоллигини билдиради;-Тренинг хусусида гап кетганда ҳар доим конкрет ижтимоий гуруҳ назарда тутилади, яъни албатта конкрет, компакт, реал гурухнинг бўлиши ҳам тренингнинг мұхим жиҳатларидандир;

-Гурухнинг ҳар бир алоҳида шахс психикаси ва ҳиссий ҳолатларига таъсирининг рўй бериши ҳам унинг ҳар бир турига хос бўлган хусусиятидир;

-Машғулотларнинг бир неча марта кайтарилиши яъни тренинг самарадорлиги бир марталик машғулот билан чекланмай, одатда 4-8 марта тагача давом этиши мумкин;

## УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ

### **2-Мавзу: ШАХС, ФАОЛИЯТ ВА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТ ПСИХОЛОГИЯСИ**

«Шахс» тушунчаси психологиясида энг кўп қўлланиладиган тушунчалар сарасига киради. Психология ўрганадиган барча феноменлар айнан шу тушунча атрофида қайд этилган.

**«Шахс»** ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъекти бўлиши индивиддир.

**«Индивид»** тушунчаси кишининг насл-насабида ҳам мужассамлашгандир. Янги туғилган чақалоқни ҳам катта ёшдаги одамни ҳам, мутафаккирни ҳам ақли заф овсарни ҳам, ёввойилик, босқинчидағи қабилани вакилини ҳам, маданиятли мамлакатда яшаётган юксак билимли кишини ҳам индивид деб ҳисоблашимиз мумкин.

**Индивид**-бу бир игзимпилярадаги организм ҳисоблаанади. Индивиддан фарқ қилиб шахснинг яхлид такрорланмас конституционал ирсий ўзига хослигидир. Индивид конкрет ишининг шахсгача бўлган борлиги. Индивид одамни шахс бўлишини таъминлайдиган, яъни шахс бўлишини таъминлайдиган табиий имкониятлар мажмуидир.

Индивид сифатида дунёга келган киши алоҳида социал фазилат кашф этади, шахс бўлиб етишади.

Индивид ҳали болалигига ёқ тарихан таркиб топган ижтимоий муносабатлар системасига жалб этилади. У бу системани Аллақачон тайёр ҳолда учратади. Кишининг жамиятдаги бундан кейинги ривожланиши муносабатларининг шу қадар чигалликларини вужудга келтирадики, бу ҳолл уни шахс сифатида шакллантиради. Психологияда индивид томонидан Амалий фаолият муносабат жараёнда ҳосил қилинадиган ҳамда ижтимоий муносабатларнинг индивидга таъсир ўтказиш даражаси ва сифатини белгилайдиган системалии тарзидаги социал фазилат **шахс** тушунчаси Билан ифода этилади.

Ҳар бир кишининг шахс унинг индивидуаллигини вужудга келтирадиган хислатлар ва фазилатларнинг фақа тунга хос бирикувидан таркиб топгандир.

**«Индивидуаллик»** кишининг ўзига хослигини, унинг бошқа одамлардан фарқини акс эттирувчи психологик фазилатлар бирикмасидир.

Индивидуаллик темперамент ва характер хусусиятларда, одатларда, устун даражадаги қизиқишлиарда, билиш жараёнларидағи оид фазилатлар (идрок, хотира, тафаккур, тасаввур)да қобилияtlарда, фаолиятнинг шахсга хос услубида ва ҳакозоларда намоён бўлади.

Зикр этилган психология хусусиятларнинг бир хилдаги бирикмасини ўзида мужассамлаштирган одам йўқ-инсон шахси ўз индивидуаллиги жиҳатидан бетакрордир. Шахс ва индивидуаллик бирликни ташкил қиласи, лекин улар бир-бирига ўхшаш эмасдир.

Индивидуаллик инсон шахсига хос фазилатларнинг фақат бита жиҳати бўлиб ҳисобланади холос. Инсондаги индивидуал сифатлар бизнинг онгли ҳаётимизнинг ажралмас қисми идрокимиз, хотирамиз ва фикрларимиз йўналтирилган муҳим предмет ҳисобланади. Чунки айнан улар бизнинг турли фаолиятларни амалга ошириш ва ишларни бажаришдаги индивидуал услубимизга бевосита алоқадордир. Кимдир жуда яхши қойилмақом иш қиласи, лекин сифатсиз. Кимдир жуда чаққон, тез иш қиласи, лекин жуда секин, кимдир ишга юзаки қараб номига уни бажаради. Бошқа бир одам унга бутун вужуди ва эътиқоди Билан муносабатда бўлиб, тинимсиз

изланади ва жамият учун манфаат қидиради. Психологияда индивиддуалликнинг кўпгина хислатлари-мослашувчанлик, тажавузкорлик, майиллик даражаси ташвишланиш ва шулар кабилар аниқлангандир. Булар жамланиб индивиднинг ўзига хослигини кўрсатади.

Шахсга таалуқли бўлган фазилатлардан энг муҳими шуки, у шу ташқи ижтимоий таъсиrlани ўз, онги ва идроки Билан қабул қилиб (объектни) сўнгра шу таъсиrlарнинг субъекти сифатида фаолият кўрсатади.

Шахс турли ижтимоий муносабатлар таъсирида бўлади ва кўплаб ижтимоий институтлар (оила, маҳалла, ўқув масканлари, меҳнат коллективлари, норасмий ташкилотлар дин, санъат маданият ва бошқалар билан) боғлиқ бўлади.

Тирик мавжудотларнинг атрофдаги олам Билан ҳаётий аҳамиятга молик боғланишлар бўлишини таъминлайдиган фаолият уларга хос ялпи хусусият хисобланади. Фаоллк-бу тирик мавжудот «ўз кучи Билан жавоб қилиш» қобилиятининг бирлигидир. Кишининг фаоллиги эҳтиёжларнинг қондирилиши жараёнида намоён бўлади. Кишининг эҳтиёжлари уни тарбиялаш жараёнида, яъни кишилик маданият олам Билан яқинлаштириш жараёнида шаклланади.

**Фаолият**-кишининг англанилган мақсади билан бошқарилиб туриладиган ички (психик) ва ташқи (жисмоний) фаоллигидир.

Фаолиятнинг англанганлиги даражаси қандай бўлишидан қатъий назар, мақсадни англаш ҳамиша унинг муқаррар белгиси бўлиб қолаверади. Ушбу белги бўлмаганда эса киши тушунчасидаги фаолият ҳам бўлмайди, балки импульсив (беихтиёр) ҳатти-ҳаракат бевосита эҳтиёжлар ва хиссиёт Билан идрок қилинади.

Шахс турли фаолликлар жараёнида шаклланади ва ўзлигини намоён қила олади. Фаоллик ва фаолият пассив жараён бўлмай балки, у онгл равишда бошқариладиган фаол жараёндир.

Одам фаолият орқали ўз ички хусусиятларини ишга солиб ва намоён қилиб нарсаларга нисбатан субъект сифатида, одамларга нисбатан шахс сифатида гавдаланади.

**Фаолият**-воқеликка нисбатан фаол муносабат билдиришнинг шундай бир шаклидирки, у орқали киши Билан уни қуршаб турган олам ўртасида реал боғланиш ҳосил қилинади.

Фаолиятга йўллаган мақсад, одатда, ё кўпроқ ё озроқ даражада узоқлашга бўлади. Шунинг учун ҳам унга эришиш киши анна шу мақсад йўлида ҳаракат қила борган сари унинг олдида пайдо бўладиган ҳал этила боришдан таркиб топади.

Фаолиятнинг ёлғиз бита оддий жорий вазифани бажаришга йўналтирилган нисбатан тугалланган ҳар бир шундай қисмини ҳаракат деб аташади. Киши фаолиятда нарсалар Билан қилинадиган саъий-ҳаракатлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг барчаси ҳам намоён бўлмас экан баъзи бирлари яширин саъий-ҳаракатлар хисобланар экан. Киши фаолиятда нарсалар Билан қиласидиган саъий-ҳаракатларидан ташқари тананинг ўзини

тутишини ва қиёфанинг сақланишини (тик уриш, ўтириш ваш у кабилар) алоқа боғлашни таъминлайдиган саъий-харкатлар иштирок этади. Алоқа қилиш воситаларига ифодали саъий-харакатлар (имо, ишора ва лақмалика) маъноли ишоралар ва ниҳоят, нутқий саъий-харакатлар киради.

Киши фаолият жараёнода харакатларни ижро этишда, назорат қили шва бошқариб туришда фойдаланиладиган йўл йўриқлар Ушбу фаолиятнинг усуллари деб аталади.

Фаолият қанчалик мураккаб мақсадлар қанчалик узокроқ вақтга мўлжалланган ҳамда улар обьектларнинг қанчалик кўпроқ ўзлаштирилишини талаб қиласидиган бўлса, муваффакиятли кўчишни аъминлаш учун зарур бўлган орамиз ақлий фаолияти шунчалик кенг тус касб этади.

Киши фаолияти онгли равишдаги фаоллик сифатида унинг онги шаклланади ва ривожлана бориши туфайли таркиб топади ва ривожланади. Унинг онгнинг шаклланиши ва ривожланиши негаизи, унинг моҳияти манбаи бўлиб хизмат қиласиди.

Фаолият ҳамиша кишининг бошқа одамлар Билан муайян муносабатлари системасида юз беради. У бошқа одамларнинг ёрдами ва иштирокини тақозо этади, яъни биргалиқдаги фаолият хусусиятига эга бўлади. Унинг натижалари теварак атрофдаги оламга, бошқа кишиларнинг ҳаёти ва тақдирига муайян таъсир кўрсатади. Шунинг учун фаолиятда кишининг фақат нарсаларга муносабати ҳам доимо ўз ифодасини топади.

Бошқача қилиб айтганда фаолиятда кишининг шахси ифодаланади ва иш чоқида фаолият унинг шахсини шакллантиради.

Кишида хилма-хил фаолият турларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши мураккаб ҳамда узоқ давом этган жараёндир.

Ҳар қандай фаолият реал шарт-шароитларда турли усулларда ва турлича кўринишларда намоён бўлади. +илинаётган ҳар бир ҳаракати маъулм нарсага предметга қаратиласиги учун ҳам, фаолият предметли ҳаракатлар мажмуи сифатида тасаввур қилинади. Фаолият ва уни ташкил этувчи предметлар ҳаракатларнинг айнан нималарга йўналтирилганига қараб, аввал нималарга ташқи ва ички фаолиятга фарқланади. **Ташқи фаолият-шахсни ўраб турган ташқи мухит ва ундаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзгартиришга қаратилган фаолият бўлса, ички фаолият-биринчи навбатда ақлий фаолият бўлиб, у соф психологик жараёнларнинг кечишидан келиб чиқади.**

Малака, қўникма булар ҳам фаолият ҳисобланади.

Фаолитяни классификация қили шва турларга бўлишнинг Яна бир кенг тарқалган усули-бу барча инсонларга хос бўлган асосий фаоллик турлари бўйича табақалашдир. Бу мулоқот ўйин-ўқи шва меҳнат фаолиятидир.

**Мулоқот**-шахс индивидуал ривожланиши жараёнда намоён бўладиган бирламчи фаолият турларидан бири бўлиб, у фаолият инсондаги кучли эҳтиёжлардан бириинсон бўлиши, одамларга ўхшаб гапириши, уларни тушуниши, севиш, ўзаро муносабатларини мувофиқлаштиришга қаратилган эҳтиёжлардан келиб чиқади. Шахс ўз тараққиётини айнан шу

фаолият турини эгаллашдан бошлайди ва нутқи орқали (вербал) мақсад ва вочита (новербал) ёрдамида бошқа фаолият турларини мукаммал эгаллашга замин яратади.

**Ўйин**-шундай фаолият кўрки, у бевосита бирор моддий ёки маънавий неъамтлар яратишни назарда тутмайди, лекин унинг жараёнида жамиятдаги мураккаб ва хилма-хил фаолият нормалари, ҳаракатларнинг символик андозалари бола томонидан ўзлаштирилади. Бола токи ўйламагунча, катталар хатти-харакатларини маъно ва моҳияти англай олмайди.

**Ўқиши**-фаолияти ҳам шахс камолотида катта роль ўйнайди ва маъно касб этади. Бу шундай фаолликни, унинг жараёнида билимлар, малакалар ва турли хилдаги кўникмалар ўзлаштирилади.

**Мехнат**-қилиш ҳам энг табиий эҳтиёжларга асосланган фаолият бўлиб, унинг мақсади, албатта бирор моддий ёки маънавий неъматларни яратиш жамият тараққиётига ҳисса қўшишдир.

Инсоннинг ўзини қуршаб турган олам Билан ўзаро биргаликдаги ҳаракати одамлар ўртасида уларнинг ижтимоий ҳаёти ва энг аввало, ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида таркиб топадиган объектив муносабатлар системасида юз беради.

**Муносабат**-одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг қўп қиррали жараёнидир.

Муносабат жараёни шартли равишда учта жиҳатни-коммуникатив (ахборот узатиш), интерактив (ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш) ва перцептив (ўзаро биргаликда идрок этиш) жиҳатларига бўлинади.

1. Жиҳат. Одамлар муносабатга киришар эканлар муносабатнинг энг биринчи муҳим воситаларидан бири сифатида тилга мурожаат қилдилар.

2. Жиҳат. Муносабатга киришувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати нутқ жараёнида факат сўзлар Билан эмас, балки ҳаракат, яъни хатти-ҳаракатлар Билан ҳам айрибошлишдан иборатdir.

3. Жиҳат. Муносабатга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок эта олишларини тақозо қилишидир.

Ана шу учта жиҳатнинг бирлиги ҳолида ўрганилаётган муносабат биргаликдаги фаолиятини ва унга жалб этилган одамларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатларини ташкил этиш усули сифатида майдонга чиқади.

Инсоннинг борлиқ Билан ҳамкорлик ҳаракатлари тизими, шахслараро муносабатларда ижтимоий ҳаёт ва фаол ишлаб чиқшда объектив муомала негизидан юзага келади. Муомаланинг ўзига хос жиҳатларидан бири ўзаро муносабатга киришар эканлар энг аввало муомаланинг муҳим воситаларидан бири бўлган тилга мурожаат қилдилар.

Муомалада тил муҳим функционал интелликуал фаолият қуроли сифатида хизмат қилишидир.

Муносабатнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракат қили шва фаолият кўрсатиш жараёнлар одамларни бирлаштирадиган умумий нарса ишлаб чиқариш тарзида тушунилиши анна шу умумий нарса аввало муносабат восита сифатидаги тилдан иборат эканлигини билдиради. Тил муносабатга

киришувчилар ўртасида алоқа боғланишини таъминлайди, негаки, унинг бу мақсад учун танланган сўзлар моҳиятига кўра кодлаштирилган ҳолда ахборотни маълум қилаётган киши ҳам, бу моҳиятнинг кодини очган яъни унинг маъносини ошкор этган ва анна шу ахборот асосида ўз хулқ-авторини ўзгартирган ҳолда бу ахборотни қабул қилаётган киши ҳам тушунади.

Сўзлар белгилари системаси ҳаёт кечириш ижтимоий тарихий тажрибани ўзлаштириш ва узатиш воситаси сифатидаги тилни таркибтотиради.

Муносабат чоғида киши доимо муҳим нарсани номуҳимдан, зарур нарсани тасодифийдан якка ёлғиз нарсаларнинг тимсолини сўзлар ёрдамида барқарор акс эттиришна ҳаракат қиласидар.

Нутқ бу оғзаки коммуникация, яъни тил ёрдамида муносабат қилиш жараёни демакдир. Одамлар бир-бирлари Билан муомалага киришар эканлар уларнинг асосий кўзлаган мақсадларидан бири ўзаро бир-бирларига психолигик таъсир кўрсатиш, яъни фикр ғояларига кўндириш, ҳаракатга чорлаш, установкаларини ўзгартирниш ва яхши таъссурот қолдиришдир. Психология таъсир-бу урли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари ҳиссиётлари ва ҳатти-ҳаракатларига таъсир кўрсата олишларидир. Ижтимоий психологияда психолигик таъсирнинг асосий учта воситаси фарқланади.

1. **Вербал таъсир**-бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъсиримиздир. Бундаги асосий воситалар сўзлардир. Маълумки нутқ-бу сўзлашув ўзаро муомала жараёни бўлиб, унинг воситаси сўзлар ҳисобланади.

2. **Паралигвистик таъсир**-бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар, бунга нутқнинг баланд ёки паст товушда ифодаланаётганлиги артикуляция, товушлар, тўхташлар, дудукланиш, йўтал тил Билан амалга ошириладиган ҳаракатлар нидолар киради.

3. **Новербал таъсирнинг**- маъноси «нутқсиз»дир. Бунга сухбатдошларнинг фазода бир-бирларига нисбатан тутган ўринлари, ҳолатлари (яқин, узоқ, интилиш) қиликлари мимика, локтамимика, қарашлар бир-бирини бевосита хис қилишлар, ташқи қиёфа ундан чиқаётган турли сиганллар (шовқин, хидлар) киради. Уларнинг барчаси мулоқот жараёнида янада кучайтириб, сухбатдошларнинг бир-бирларини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради.

Муомала мақсадга кўра муайян сўзлар, атамалар, тушунчалар ва ахборотлар мазмунини ташкил қиласиди.

4. Одамлар ўртасидаги ёки бошқача қилиб айтганда шахслараро муносабатлар асосан, гуруҳ шароитида, шахс маъулм инсонлар даврасида, гурухида, жамоасида, жамоада бўлган тақдирда рўй беради. Шунинг учун ҳам мутахасислар жамоаларда рўй берадиган шахслараро таъсирнинг қонуниятлари ва механизмларини билишлари ва уларни гуруҳда одамлар меҳнатини ташкил этишда, албатта инобатга олишлари керак.

Ҳар бир шахснинг феъл-авторида, ҳатти-ҳаракатларида у мансуб бўлган миллат ҳам худуд, профессионал тоифа, меҳнат қиласидаган жамоаси, яқин атрофидаги муҳим гуруҳи, оиласининг таъсирида пайдо бўлган сифатлари ва

хусусиятлари бўлади. Гурух-бу муайян белгига, масалан, синфий мансубликка, биргаликда фаолият кўрсатишининг мумкинлигина ва унинг характерига, ташкил топиш хусусиятлари ваш у кабилар асосида ажралиб турадиган инсоний умумийликдир.

**Гурух**-маълум ижтимоий фаолият мақсадлари асосида тўйланган, мулоқот эҳтиёжлари қондириладиган инсонлар уюшмасидир. Содда қилиб айтадиган бўлсак-гурух икки ва ундан ортиқ одамлар ўзаро муомала қиласидиган ва бир-бирига таъсир қиласидиган уюшмадир. Демак, гурух учун иккита асосий мезон мавжуд: бирор фаолиятнинг бўлишилиги (мехнат, ўқиш, мулоқот, ўйин, майший манфаатлар) ҳамда у ерда одамларнинг ўзаро мулоқоти учун имкониятнинг мавжудлиги.

Гурухларнинг таъсифланиши шунга мувофиқ тарзида бўлиб, кичик ва катта гурухларга бўлинади ўз навбатида улар ҳам реал (боғланган). Шартли формал (расмий) ҳамда (норасмий) гурухларга бўлинади.

Катта гурухлар умумий малол ва замондан ҳаёт кечираётган анчагина одамларнинг ўз таркибига олган социал умумийликни ташкил қиласидиган реал (боғланган) гурухлар шаклида бўлади. Бу хилдаги катта гурухларга корхонанинг меҳнат жамоаси, ёки кўпгина ўқитувчилар бир-бирлари Билан бевосита ўзаро алоқада бўлмасалар ҳам, лекин айни чоғда ягона бита раҳбарлар (директорга, илмий мудирга) бўйсунадиган бўлишади.

Катта гурухлар баъзи бир белгилари (синфий, жинсий, миллий, ёки ва бошқа белгиларига) биноан ажратиладиган ва бирлаштириладиган шартли гурухлар шаклига ҳам бўлинади. Катта шартли гурухга киритилган кишилар хеч қачон бир-бирлари Билан учрашмаган бўлсалар ҳам, лекин бу хилдаги гурухларга ажратилган катта гурухга киради.

**Кичик гурухлар**-ҳамиша боғланган умумийлик бўлиб, унга кирувчи шахсларнинг ўзаро биргаликдаги реал ҳаракати ва улар ўртасидаги реал ўзаро муносабатлар Билан боғлангандир. Бу гурухлар расмий (формал) бўлиши, яъни юридик жиҳатдан қайд этилган хуқуқ ва ва бурчларга, норматив асосида ўрнатилган структурага, тайинлаб ёки сайлаб қўйилган раҳбарликка эга бўлишdir. Расмий ва норасмий гурухлар ўртасидаги чегаралар шартли ва нисбийдир.

Ҳар қандай (катта ва кичик) гурхлардаги муомала ва фаолият анна шу гурухларга кирадиган одамларнинг ҳаёт тарзини белгилаб берадиган ҳамда уларнинг қадриятларини, эътиқодларини, Дунекарашини шакллантирадиган ижтимоий муносабатлар Билан белгиланади ва йўналтириб туради.

Гурухлар ривожланишининг даражаси ёки савияси уларнинг таснифланишининг энг муҳим негизи хисобланади. Гурухий ривожланиш даражаси-шахслараро муносабатлар шакланганлигининг белгиси, гурухлар шаклланиши жараёнининг натижасидир, гурух тарзида ривожланишининг юксак даражаси жамоаларга хос фаолиятда ва шахслараро муносабатларда намоён бўлдади.

Ҳар бир шахс учун тараққиётнинг ҳар бир алоҳида босқичида шундай одамлар гурухи бўладики, уларнинг ниятлари, қизиқишлари, ҳаракат меъёрлари, ғоя ва фикрларига эришишга тайёр бўлади. Харакатларидан

андоза олади, уларга таҳлид қилади. Бундай гурух психологияда реяерент гурух деб аталади. Америкалик социологлар референт гурухлари бир неча турларга ажратади.

**Норматив** гурух-бу шахс учун инсонлар гурухики уларнинг меъёрларини у маъқуллайди, уларга амал қилишга ҳамиша тайёр бўлади. Бундай гурухларга биринчи навбатда оилани, диний ёки миллий ўюшмаларни, профессионал гурухларни киритиш мумкин.

**+иёслаш гурухлари**-бу шундай гурухли шахс ўша гурухга киришни ун унинг мАқуллашига мухтож бўлмайди, лекин ўз ҳаракатларини йўлга солища унга асосланади ва коррекция қилади.

**Негатив** гурухлар-шундайки, шахс уларнинг хатти-ҳаракатларида атайлаб воз кечади, чунки улар шахсий қарашларидан мутлоқ фарқ қилади.

Шахснинг камол топтирадиган ва тарбиялайдиган жамоа ўзи Билан жамият ўртасидаги боғловчи бугундир.

**Жамоа**-шахслараро муносабатлар биргаликдаги фаолиятнинг ижтимоий қийматлари ва шахсий жиҳатдан аҳамияти орқали ўз ифодасини топадиган гурухдир. Уни психологик жиҳатдан бошқа гурухлардан фарқи ҳам мана шундадир.

Шахслараро муносабатларда жамоанинг ўз-ўзини белгилаши жамоа аъзосининг бевосита омилларга эътиқодлари, принциплари, идеаллар, биргаликдаги фаолият мақсадларига боғлиқ ҳолда ҳар қандай таъсирларга (шу жумладан, ўзининг умумийлигига ҳам) талаб, яъни бир хилини қабул қилган ва бошқаларини рад этган ҳолда муносабатда кўринади.

Америкалик психолог Ч.Кули ҳамкорликнинг даражаси ва мезонига кўра гурухларни бирламчи ва иккиламчи гурухларга ажратади.

**Бирламчи** гурухлар-шахслараро ўзаро тасъир «юзма-юз, бевосита» рўй беради. Масалан: оила давраси, синфдаги, ҳисобчилар хонасида ўтирганлар бирламчи гурух ҳисобланади.

**Иккиламчи** гурухлар-ҳар доим одамларнинг бевосита мулоқотда бўлиши ҳар доим одамларнинг бевосита мулоқотда бўлиши имкониятлари бўлмайди. Улар ўртасидаги (таъсир) муносабат ва ўзаро тасъир билвосита бўлади.

Инсонлар жамиятда жамоа ва гурухларга бўлиниб яшар экан, ўша гурух ва жамоаларда яшар экан, ўша гурух ва жамоаларда ривожланади ва шаклланади.

### **З-мавзу: БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

Билиш жараёнлари-бу шундай психик жараёнларки, улар шахсга ўзини ўраб турган атроф-муҳитнинг маълум ва муҳим хусусиятларини англашга, тушунишга ва улар устида ўзига зарур хulosалар чиқариб, ўз ҳулк-атворини режалаштиришга имкон беради. Бу жараёнлар инсонга жуда яқин ва таниш. Чунки ҳар биримиз онгимиз борлигини, атрофдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг айрим алоҳида ҳамда яхлит хусусиятларини биламиз.

Билиш жараёнларига-Диққат, сезги, идрок, хотира, тафаккур, ҳаёл ва бошқалар киради. Бу жараёнлар бир-бири билан шунчалик боғлиқки, уларни биринчи-иккинчисисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Диққат киши фаолияти барча турлари, энг аввало меҳнат ва ўкув фаолияти самарадорлигини муҳи ва зарур шартидир. Меҳнат қанчалик мураккаб ва маъсулиятли бўлса, у диққатга шунчалик като талаблар кўяди. Зийраклик кишига унинг кундалик ҳаётига турмушида, бошқа одамлар Билан муносабатда киришида, спортда зарурдир. Ўқувчининг диққат-эътибори ўкув-тарбия жараёнини муваффақиятли ташкил этишининг асосий шартларидан биридир. Таълим олишда «диққатнинг ролини таъкидларкан, буюк рус педагоги К.Д.Ушинский диққат айнан шундай бир эшикки, ташки оламдан киши қалбига кириб келадиган жамики нарсаларнинг барчаси шу эшик орқали киради»-деб ёзган эди.

Диққат билиш жараёнларидан фарқли ўлароқ, ўзининг алоҳида мазмунига эга эмас, у барча билиш жараёнларининг жўшқин жиҳатидир.

Ҳосил бўлишига ва амал қилиш усулларига кўра диққатнинг иккита асосий тури-ихтиёрий ва ихтиёrsиз турлари мавжуд деб ҳисобланади.

Ихтиёрий диққат кишининг англашилган ниятлари ва мақсадларидан мустасно тарзда ҳосил бўлади ва қўллаб-қувватланади. Ихтиёрий диққат онгли равишда бошқариладиган ва тартибга солинадиган диққат эътибордир. Ихтиёрий диққат ихтиёrsиз диққат замирида ҳосил бўлади. Диққатнинг бу турлари диққатнинг даражалари сифатида қабул қилиниши ҳам мумкин.

Ихтиёrsиз диққатнинг пайдо бўлиши жисмоний, психофизиологик ва психик омиллар билан белгиланади. Кузатувчиларнинг сифати, аввало уларнинг субъект учун янгилиги ихтиёrsиз диққатнинг пайдо бўлишидаги асосий шартлар жумласига киритилган бўлиши мумкин.

Диққатни кучли қўзғатувчилар: баланд овоз, ёрқин нур, буёқ, кучли хид жалб этади. Ихтиёrsиз диққатга бевосита қизиқишининг роли бениҳоят каттадир. Нимаики қизиқарли, мароқли, ҳиссиётга бой, завқли бўлса, диққатнинг узоқ вақт мобайнида тўпланиб туришини тақозо этади.

Ихтиёрий ва ихтиёrsиз диққатдан ташқарии унинг Яна бир алоҳида турини ихтиёрийдан сўнгги диққатни алоҳида кўрсатиш мумкин. Бу тушунча психологияда Н.Ф.Добронин томонидан жорий этилгандир.

Диққат турлича сифат кўринишлари Билан таърифланади. Диққатнинг бу кўринишларини диққатнинг сифати ёки диққатнинг хуссуиятлари деб аталади. Диққатнинг барқарорлиги, кўчиши тақсимланиши ва кўлами шулар жумласидандир. Диққатнинг асосий хуссуиятларининг ўзаро боғлиқлиги туфайли ҳосил бўлган мураккаб функционал структураси Билан белгиланади.

Бекарорлик диққатнинг замон ичидаги таърифидир. У жадал диққатнинг сақлаб туришнинг давомлилиги Билан белгиланади. Диққатнинг барқарорлиги диққат қаратиладиган обьектларнинг хуссуиятларига ва диққати йўналтирилган шахснинг фаоллиги боғлиқ бўлади.

Дикқатнинг тақсимланиши-иккита ва ундан кўпроқ фаолият турларининг Айни бир вақтнинг ўзида муваффақиятли бажариш имконияти Билан боғлиқ ҳодисадир. Дикқатнинг юксак даражада тақсимланиши кўпгина ҳозирги меҳнат турлари муваффақиятлилигининг муқаррар шартларидан биридир. Дикқатнинг тақсимланиши мумкинлиги бир қанча шарт-шароитларга боғлиқдир. Фаолиятнинг биргаликда бажариладиган турлари ёки ҳал этилаётган вазифлар қанчалик мураккаб бўлса, дикқатнинг тақсимланиши ҳам шунчалик қийин бўлади. Дикқатни тақсимлаш малакаси ўкув фаолиятининг эгаллаб олиш жараёнида шакланади.

Дикқатнинг физиологик асосларини тушуниб етишда буюк рус физиологлари И.Т.Павлов ва А.А Ухтомскийларнинг илмий ишлари катта аҳамиятга эгадир. Дикқатнинг физиологик механизмларини тушуниб етишда доминанта (наслдан-наслга ўтувчи асосий белги) принципи алоҳида аҳамиятга эгадир.

А.А.Ухтомскийнинг фикрига кўра, мияда ҳайша қўзғалишнинг устун ва ҳукмронлик қилувчи маркази мавжуд деган эди.

Кейинги йилларда совет ва чет эл олимларининг тадқиқотларида дикқатнинг нейрофизиологик механизмларини очиб берадиган янги натижаларга эришилди. Дикқат организмнинг фаол мия фаолияти билан боғлиқ ҳолда умумий тарздаги сергаплиги вазиятида пайдо бўлади. Агар фаол дикқат мақбул сергаплик ҳолатида юз бериши мумкин бўлса, у ҳолда дикқатни тўплашдаги қийинчиликлар сустлашган ва аралаш-қуралаш вазиятда ҳам, ҳаддан зиёд сергаклик ҳолатида вазиятида пайдо бўлади. Агар фаол дикқат мақбул сергаплик ҳолатида юз бериши мумкин бўлса, у ҳолда дикқатни тўплашдаги қийинчиликлар сустлашган ва аралаш-қуралаш вазиятда ҳам, ҳаддан зиёд сергаклик пайтларида ҳам рўй беради.

Дикқатнинг салбий жиҳатларидан бири **паришонхотирлик**дир. Паришонхотирлик дикқатни узоқ вақт давомида жадал бир нарсага қаратишга лаёқатсизликда, дикқатнинг осонгина ва тез-тез бўлинниб туришида намоён бўлиши мумкин. Паришонхотирликнинг бу қўриниши кўпинча иш қобилиятини сусайиб кетишининг ва хулқ-атвордаги уюмаганликнинг сабабларидан бири ҳисобланади. Паришонхотирликнинг сабаблари ҳар хилдир. Паришонхотирлик шахснинг барқарор хислати сифатида ихтиёрий дикқатнинг сустлиги-кўрсаткичи ҳисобланади ва нотўғри тарбия натижаси бўлиши мумкин. Бу хилдаги паришонхотирликка қарши, аввало шахсдан иродавий ҳолатларни, фазилатларни шаклантириш йўли Билан курашмоқ лозим.

Дикқатнинг фазилатлари Билан бир қаторда унинг бузилиши ва нуқсонлари бўлиши мумкинлигини психологик жиҳатдан асосланган тарзда ҳисобга олиш дикқатнинг ўзида акс эттирадиган билиш жараёnlарини тадқиқ этишнинг зарур шартидир.

### Сезги

Теварак-атрофдаги оламнинг бойлиги ҳақида, товушлар ва ранглар, ҳидлар ва ҳарорат миқдо рва кўплаб бошқа нарсалар тўғрисида биз сезги органлари орқали биламиз. Киши вужуди сезги аъзолари ёрдамида сезгилар

шаклида ташқи ва ички мухитнинг ҳолати ҳақида ранг-баранг ахборот олиб туради.

**Сезги**-бу оддий психик жараён бўлиб, у моддий-оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим хусусиятлари аксидан, шунигдек моддий қўзғатувчилар тегишли рецепторларга бевосита таъсир этган тақдирда организмда ҳосил бўладиган ички ҳолатлардан таркиб топади. Материя бизнинг сезги органларимизга таъсир этиб сезги ҳосил қилдиради. Сезги аъзолари ахборотни қабул қиласи ва саралайди, жамлайди мияга етказиб беради. Сезги аъзолари ташқи оламнинг киши онгига кириб келадиган ягона йўлларидир. Бир модданинг ҳеч қандай формасини, харакатнинг ҳеч қандай формасини сезгилардан бошқача йўл Билан била олмаймиз. Сезги аъзолари кишига теварак-атрофдаги оламда мўлжал олиш имконини беради. Агар киши барча сезги аъзоларидан маҳрум бўлиб қолса борми, у ўзининг атрофида нималар юз бераётганини била олмас теварак-атрофдаги одамлар Билан муносабатга кириша олмас, овқатни қидириб топа олмоқ хавф-хатардан қутилиб қола олмас эди. Таниқли рус врачи С.П.Боткин бемор аёл кўзи Билан кўришидан ва қўлининг озгина қисми сезишидан бўлак барча сезги турлариданмаҳрум бўлгани каби кам учрайдиган ҳодисани баён этиб берган эди. Бемор аёл кўзларини юмса ва унинг қўлларига ҳеч Ким тегмаса ухлаб қолаверган.

Бундан маълум бўлди-ки, кишининг ҳаёти ва фаолиятида сезгиларнинг роли жуда катта, негаки, улар бизнинг олам ҳақидаги ва ўзимиз тўғримиздаги ьилимларимиз манбаи ҳисобланади.

Сезгилар-айнан бир хил қўзғатувчиларнинг акс эттириш шаклларидан иборатdir. Жумладан, электр магнитлари нурланиши кўриш сезгисининг қўзғатувчи ҳисобланади. Бу нурланиш тўлқини узунлиги 380 дан 770 милликмикрон доирасида бўлади ва кўриш анализаторларида нерв жараёнига айланади. Ўз навбатида бу жараён кўриш сезгисини ҳосил қиласи. Эшиши сезгилари-рецепторларга тебраниш тезлиги 16 дан 20000 га қадар бўлган товуш тўлқинлари таъсирининг акс этиш натижасидир. Тактил сезгилар механик қўзғатувчининг тери юзасига таъсири остида ҳосил бўлади. Тебраниш сезгилари карлар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, нарсаларнинг тебраниши натижасида юз беради. Бошқа хилдаги сезгилар (ҳарорат, ҳид ва таъмни билиш)нинг ҳам ўзига хос қўзғатувчилари мавжуд. Лекин сезгиларнинг ҳар хил турлари фақат ўзига хослиги Билан эмас, ъалки улар учун умумий бўлган (сифатлар) хусусиятлар Билан ҳам ифодаланади. Сезгиларнинг сифати, жадаллиги, узоқ давом этиши ва қўп жойларда юз бериши ана шундай хусусиятлар жумласига киради.

Сифат-мазкур сезгисининг асосий хусусияти бўлиб, уни бошқа сезги турларидан фарқлайд ива Айни шу сезги тури доирасида ўзгартириб туради.

Сезгиларнинг жадаллиги унинг миқдорини ифода этадиган хусусияти бўлиб, таъсир қилаётган қўзғатувчининг кучи ва рецепторнинг функционал ҳолати Билан белгиланади.

Сезгининг давомийлиги унинг вақтинчалик хусусияти ҳисобланади. У ҳам сезги аъзосининг функционал ҳолати Билан, леки насосан

қўзғатувчининг таъсир қили швақт ива бу таъсирнинг жадаллиги Билан белгиланади.

Сезги қўзғатувчи таъсир қила бошлиши Билан бир пайтда ҳосил бўлмаганидек қўзғатувчининг таъсири тўхташи биланоқ йўқолиб кетмайди. Сезгиларнинг бу хилдаги сустлиги оқибат аталмиш ҳодисада намоён бўлади.

Сезги аъзоларининг сезувчанлиги муайян шароитларда сезгини ҳосил қилишга лаёқатли бўлган энг кучсиз қўзғатувчи ёрдамида аниқланади. Билинар-билинмас сезги ҳосил қиласиган қўзғатувчининг энг кам кучли сезувчанликнинг қутийи абсолют чегараси деб аталади.

### Идрок

Нарсалар ёки ҳодисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсир қилиш жараёнида киши онгига акс этишига идрок деб айтилади. Идрок этиш жараёнида алоҳида ҳолдаги сезгиларнинг тартибга солиниши ҳамда нарсалар ва воқеа-ҳодисаларнинг яхлит образларига бирлашуви юз беради. +ўзғатувчининг алоҳида хусусиятлари акс этадиган сезгилардан фарқли ўларок, идрок нарсаларни умуман, унинг ҳамма хусусиятлари Билан биргаликда акс эттиради. Бунда идрок алоҳида сезгилар йигиндсидан иборат тарзда эмас, балки ҳиссий билишнинг ўзига хос хусусиятлари билан сифат жиҳатидан юқори босқичи сифатида тасаввур қилинади. Идрокнинг анча муҳим хусусиятлари предметлилик яхлитлилик, структуралилик, барқарорлиги ва англанилганидан иборат.

Идрокнинг предметлилиги объективлаштириш ҳодисаси деб аталмиш ҳодисада яъни ташқи дунёдан олинадиган ахборотнинг ўша дунёга мансублигига, ифода этилади. Бу хилдаги мансублик бўлмаса, идрок кишининг Амалий фаолиятида ўзининг мўлжал олдириш ва йўналтиришдан иборат вазифани бажара олмайди.

Идрокнинг Яна бир хусусияти унинг яхлитлигидир. Сезги аъзоларига таъсир қиласиган нарсанинг айrim хусусиятларини акс эттирадиган сезгилардан фарқли ўларок, идрок нарсанинг яхлит образи ҳисобланади. Ўз-ўзидан равшанки, бу яхлит образ нарсанинг айrim хусусиятлари ва белгилари ҳақида турли хил сезгилар тарзида олинадиган билимларни умумлаштириш негизида таркиб топади.

Идрокнинг яхлитлиги унинг структуралилиги Билан боғлангандир.

Идрокнинг яхлитлиги ва структуралилиги манбалари, бир томондан, акс эттириладиган объектларнинг ўзига хос хусусиятларида ва иккинчи томондан инсоннинг конкрет фаолиятида гавдаланади. И.М.Сеченов таъкидлаганидек идронинг-яхлитлиги ва структуралилиги анализаторларнинг рефлектор фаолиятининг натижасидир.

Идрок-идрок этилаётган обьектни текшириш ва унинг ўзига айнан ўхшайдиган нусхасини яратишга йўналтирилган ўзига хос ҳаракатдир. Идрокнинг муҳим қисми ҳаракатлантирувчи жараёнлардан иборатдир. Нарсани пайпаслаб хис этадиган қўлларнинг ҳаракатлари, нарсанинг

кўринадиган шаклини қўзғатувчи қўзларнинг ҳаракати, эштиладиган, овоз чиқарадиган ҳиқилдоқнинг ҳаракати ва ҳакозолар шулар жумласига киради.

Ҳаракат компонентлари пайпаслаш ҳодисасида катта роль ўйнайди. Маълумки, терининг суст даражасидаги туюши киши организмининг бутун устки тери қисмига хос хусусият ҳисобланади. Терининг фаол туюши юксак даражадаги аниқлиги Билан ажралиб туради, нарсанингакс этиши Билан бир хиллиги ҳаракатланаётган қўлнинг идрок этилаётган нарсага нисбатан кўчишига қараб юз беради.

+ўлнинг пайпаслаб сезишва кўзнинг кўриш жараёнидаги ҳаракат функцияларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар иккита катта соҳага ажралади. Биринчисига қидиравчи, йўловчи ва тузатувчи ҳаракатлар киради. Улар ёрдамида идрок этиш учун тайинланган обьектни қидириш, кўзни бошланғич марага қаратиш, анна шу маррани тўғирлаш амалга оширилади. Иккинчи соҳага образни ҳосил қилишда, обьектларнинг фазодаги таърифини аниқлашда, таниш обьектларни топишда ваш у кабиларда иштирок этадиган ҳаракатлар киради. Бу хусусан, гностик ҳаракатлар, перцептив ҳаракатлардан иборатdir.

Идрок-перцептив ҳаракатлар системасидир ва уни эгаллаш маҳсус ўқитишини ва тажрибани талаб қиласди.

### **Хотира.**

Индивиднинг ўз тажрибаларини эсда олиб қолиши, эсда САқлаши ва кейинчалик уни Яна эсга тушириш хотира деб аталади. Хотирада эсда олиб қолиши, эсда САқлаш, эсда тушириш ва унитиш каби асосий жараёнлар алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бу жараёнларнинг ҳар бири алоҳида мустақил психик хусусият ҳисобланмайди. Ўлар фаолият давомида шаклланади ва ўша фаолият Билан белгиланади. Муайян бир материални эсда олиб қолиши ҳаёт фаолияти жараёнида индивидуал тажриба орттиришига боғлиқдир.

Эсда олиб қолингнар нарсани кейинчалик бўладиган фаолиятда қўлланиш учун уни эсга тушириш тақозо этади. Муайян бир материалнинг фаолият доирасидан чиқиб қолиши эса унинг унитилишига олиб келади. Материални эсда САқлаш унинг шахс фаолиятидаги иштирокига боғлиқ бўлади. Чунки ҳар бир муайян пайтда кишининг ҳулқ-атвори унинг бутун ҳаётин тажрибаси Билан белгиланади. Хотира шахс психик ҳаётининг энг муҳим, белгиловчи хусусияти ҳисобланади. Хотиранинг роли «ўтмишда юз берган» нарсани акс эттириш билангина чекланиб қолиши мумкин эмас.

Хотира барча психик жараёнларнинг энг муҳим характеристикаси бўлмиш Билан бирга инсон шахсининг бирлиги ва яхлитлигини таъминлайди.

Хотира киши ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларида иштирок этиши сабабли унинг намоён бўлиши шакллари ҳам ранг-бараңгдир.

Хотира таърифларининг эсда олиб қолиши ва қайта эсга тушириш жараёнлари содир бўладиган фаолиятнинг хусусиятларига боғлиқлиги хотиранинг ҳар хил турларини ажратиш учун умумий асос бўлиб хизмат киласди. Бунда хотиранинг айрим турлари З та асосий мезонга мувофиқ тарзда бўлинади.

1) күпроқ фаолиятда сезилиб турадиган психик фаолликнинг хусусиятига қараб хотира харакат, эмоционал, образли ва сўз мантиқли турларга бўлинади.

2) фаолиятнинг мақсадларига кўра ихтиёрий ва ихтиёрсиз хотира турларга бўлинади.

3) материални қанча вақт эсда олиб қолиш ва эсда САқлаш муддатига күра қисқа муддатли, узоқ муддатли, оператив хотира турларига бўлинади.

Хотирани турларга тарқоқ ҳолда эмас, аксинча таркибан бирлигиде намоён бўладиган турли хил жиҳатлари Билан боғлиқдир. Хотиранинг тегишли турлари ҳам худи анна шундай бирликни ифодлайди. Жумладан тушунча ҳақидаги фикр хотираси сўз-мантиқ хотира бўлиш Билан бирга ҳар бир алоҳида ҳолда, шунингдек ё ижтиёrsиз ёхуд ихтиёрий хотира бўлиб ҳисобланадли; Айни чоғда у албатта ё қисқа муддатли ёхуд узоқ муддатли хотира тарзида намоён бўлади. Хотиранинг айнан бир хилдаги мезонига кўра ажратилган ҳар хил туралри ҳам ўзаро боғлангандир.

Хотираны ривожлантириш масаласи психологияда инсониятнинг олдидатурган долзарб муаммодир.

Кўпчилик психологлар ва амалиётчилар инсон хотирасини китоблар жавонига ўхшатишади. Агар шу жавонда китоблар тартибли жойлаштирилган ва Сиз вақти-вақти Билан уларнинг «орасига ташриф» буюриб турсангиз, қайси китоб қаерда туришини яхши биласиз. Хотира ҳам шундай. Агар сиз мунтазам равишда қобилиятингизни ўстириш устида ишласангиз у ёки бу қизиқтирган мавзу бўйича турли китобларни ўқиб, уларни маълум тартибда қайтариб турсангиз, эсда сақлаш ва эсга тушириш қобилиятингиз ўсиб боради.

Иккинчи мухим қоида-ўқиган, эшитган ёки кўрган нарсангизнинг моҳиятини англашга ҳаракат қилишингиз керак. Чунки тушунмаган нарсангизни қайта-қайта ўқисангиз ҳам эсда қолмайди. М, инглиз тилидан «топикларни» ўқитувчи сўраганда айтиб бериш ёдлаган бўлсангиз, у тезда хотирангиздан ўчиб кетади. Агар уни амалий бирор иш-фаолиятингиз билан боғлаб, қийналиб бўлса ҳам овоз чиқариб машқ қилсангиз у анчагача ёддан чиқмайди.

Ўзлаштирилиши лозим бўлган маълумотнинг хотирада сақланиши америкалик психолог Квинн Вирджиния қўйидагича тасаввур қилади.

Сенсор	маълумот	қисқа	маълумот	узоқ	муҳим
Хотира	тушди	муддатли	сақланмади	муддатли	маълумот
Блоки	лекин	хотира		хотира	ажратиб
	сакланмади	блоки		блоки	олинди

Хар қандай маълумот бизнинг бевосита ташки оламни сезиш органларимизга таъсир қиласи, лекин улар қисқа муддатли хотира да хам қолмаслиги мумкин. Масалан: йўлда кетаётганингизда бирор қушнинг сайраганини эшитасиз, қушнинг товуши қулоғингизга таъсир этади, лекин хотирадан ўша заҳоти ўчади. Чунки кўриш, эшитиш, ёки сезиш органларига

келган маълумотлар жуда қисқа дақиқалар мобайнида бир секунд ҳам тенг бўлмаган вақт давомида бизга таъсир қиласди. Бу маълумот деярли эсда қолмайди. Кейин қисқа муддатли хотира ишга тушади, у ҳам бир неча дақиқада маълумотларни ушлаб туради. Узоқ муддатли хотира блокига етиб борган маълумот эса инсон умри мобайнида ҳам эсдан чиқмаслиги мумкин. Чунки унга айнан зарур маълумотлар бир неча марта қайтарилиб, амалиётда мустаҳкамланиб боради. Шунинг учун ҳам инсон онги ҳаёти анна шундай узоқ муддатли хотирадаги маълумотлар хисобига тажриба тўплайди. Бу блокда қолган маълумотлар асосан англанганлик тамойилига кўра онга САқланади. Ҳар бир инсонда метриални хотирда САқлаш уларнинг ақлий фаолиятини ташкил этганлигига боғлиқ бўлади.

### **Тафаккур**

Кишининг бутун ҳаёти олдига ҳамиша жиддий ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалар ва муаммоларни қўяди. Бундай муаммоларнинг, қийинчиликларнинг, тасодифларнинг юзага келиши атрофимиздаги воқеликда ҳали қўп номаълум, тушуниб бўлмайдиган, кутилмаган, яширин нарсалар борлигидан далолат беради. Демак оламни борган сари чуқурроқ ўрганиб бориш, унда одамлар ва нарсаларнинг тобора Янги-янги жараёнларини, хусусиятларини ва ўзаро муносабатларини очиш лозим. Тафаккур шунинг учун ҳам зарурки, ҳаёт ва фаолият давомида ҳар бир индивид нарсаларнинг қандайдир Янги, илгари маълум бўлмаган хусусиятларига дуч келади. Ўтмишдаги билимларимизнинг камлиги билиниб қолади. +айноқ чексиз бўлганидек, уни билиш жараёни ҳам чексиздир.

Тафаккур ҳамиша ҳали билиб олинмаган, янгиликнинг ана шундай чексиз жиҳтларига қаратилган бўлади.

Тафаккур-жиддий равишда янгиликни қидириш ва очишга социал жиҳатдан боғлиқ, алоқадор психик жараёндир, унинг таҳлили ва синтези жараёнида воқеликни бевосита ва умумийлаштириб акс эттириш жараёнидир. Тафаккур Амалий фаолият асосида ҳиссий билишлардан пайдо бўлади ва ҳиссий билиш чегарасидан анча ташқарига чиқиб кетади.

Инсоннинг фикрлаш жараёни таҳлил қилинганда, унинг қандай шаклларда кечиши аҳамиятли бўлиб, бу унинг турлари ва шунга кўра фирмлашдаги индивидуаллик масаласидир.

+уйидаги тафаккурнинг турли мезонлар асосида классификацияси келтирилган.

### **Тафаккур турлари**

Шаклига кўра

кўргазмали харакат кўргазмали образ

Мантиқий

Кўриладиган масалаларнинг

назарий Амалий

Характерига кўра

конвергент, дивергент

Ижодийлик элементига кўра

репродуктив продуктив (ижодий)

Янгилиги ва ноёблигига кўра

Ҳаёт мобайнида ўқиганларимиз, маълум шарт-шароитларда аниқ бир далиллар ва назарий билимлар асосида мушоҳада қилган билим ва гояларимиз асосида юритган фикрлаш жараёни **назарий тафаккурдир**. Унда фарқли **Амалий тафаккур** бевсоита ҳаётда в ҳаракатларимиз мобайнида ҳосил бўлган фикрларимизга асосланадиган тафаккурларимиздир.

**Кўргазмали-харакат тафаккурнинг** хусусияти шундаки, у одамнинг ҳам реал предметлар Билан иш қилаётган пайтдаги фикрлар жараёнини назарда тутади.

**Кўргазмали образли тафаккур** эса кўрган-кечирган нарсалар ва ҳодисаларнинг аниқ образлари қўз олдимиизга гавдаланган чоғда уларнинг моҳиятини умумлаштириб билвосита акс эттиришdir.

**Мантиқий тафаккур**-бу мавхум тафаккур бўлиб, сўзлар, сўзда ифодаланган билим, ғоя ва тушунчаларга таянган ҳолда бевосита идрокимиз доирасида бўлмаган нарсалар юзасидан чиқарган ҳукмларимиз, мулоҳазаларимиз бу тафакурга мисол бўла олади. Масалан; олам, унинг ноёб ва мураккаб ҳодисаларини фалсафий ўрганиш фақат мавхум, абстракт тафаккур ёрдамида мумкин бўлади.

Фикрларимизнинг Яна бир тури **репродуктив** бўлиб, унинг моҳияти кўрган-билган нарсамизни айнан қандай бўлса, шундайлигича, ўзгаришсиз қайтариш ваш у асосда фикрлашга асосланади. Ундан фарқли **продуктив ёки ижодий тафаккур**- фикрлаш элементларига янгилик, ноёблик, қайтарилимаслик қўшилгандаги тафакурни назарда тутади.

Тафаккур қилиш шакллари ёки формасига тушунчалар хулқлар ва хулоса чиқариш киради.

**Тушунчалар-тафакурнинг** шундай шаклини, унда нарса ва ҳодисаларга хос бўлган энг уммуий ва характерли хусусиятни ўзида акс эттиради. Улар умумий ва жузъий, аниқ ёки мавхум бўлиши мумкин.

**Ҳукмлар-** атрофимиздаги нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради.

Масалан, «Инсон онгли мавжудот» деган ҳукм-фикр, «одам, инсон», «онг» ва мавжудот тушунчалари ўртасидаги боғлиқликни ифодалаб турибди. Анна шундай ҳукмлар бизнинг нутқимизда ҳар куни жуда кўп ишлатилиши ва улар табиатан тулии боғлиқликларни ё тасдиқлайди, ёки инкор қиласи, рост ёки ёлғон бўлади. Шахснинг инсонийлиги аслида у ишлатиладиган ибораларнинг қанчалик мантиққа, ҳаётий ҳақиқатларга тўғри келиши, аргументал эканлиги Билан баҳоланади. Доимо тўғри, мантиқан фикр юритган одамни биз баъмани, гапида жон бор, ҳақиқатгўй деб таърифлаймиз.

**Хулосалар-мантиқий тафакурнинг** Яна бир шакли бўлиб, улар фикрлар, ҳукмлар ва тушунчалар ўртасидаги боғланишдан Янги бир фикрларни келтириб чиқариши назарда тутади.

Бундан ташқарии, психология биздаги фикрлаш жараёнини таъминловчи алоҳидаоперациялар ҳам ўрганади. Фикрлаш операцияларга анализ, синтез, мавхумлаштириш, таққослаш, умумлаштириш кабилар

киради. Буларнинг барчаси кундалик ишларимизда, билимларни ўзлаштириш жараёнида ўз ўрнига эга, лекин вазифа уларни янада такомиллаштириш ва ижодий фикрлаш, мустақил тарзда хуросалар чиқара олиш қобилиятини ўстиришдир.

## Ҳаёл

Ҳаёл ва фантазия тафаккур каби юксак билиш жараёнлари қаторига кириб кишининг ўзига хос инсоний характерга эга бўлган фаолиятларида намоён бўлади.

Ҳаёл инсон ижодий фаолиятининг зарур элементи бўлиб, меҳнатнинг охирги ва оралиқ маҳсулотларида ўз ифодасини топади, шунигдек проблемали вазият ноаниқлик кўрсатган ҳолларда ҳулқ-атвор программасини тузишни таъминлайди.

Ҳаёлнинг психий жараён сифатидаги биринчи ва муҳим вазифаси шундан иборатки, у меҳнатни бошламасдан олдин унинг натижасини тасаввур қилиш имкониятини беради. Ҳаёл меҳнатнинг фақат сўнгги натижасинига эмас балки меҳнатнинг оралиқ маҳсулотларни тасаввур қилиш имкониятини беради.

Ҳаёл тафаккур Билан маҳкам боғлангандир. Ҳаёл ҳам тафаккур сингари, келажакни олдиндан кўриш имкониятини беради.

Ҳаёл ўзининг активлиги ва фаоллиги Билан характерланади. Шунинг Билан бирга ҳаёл аппарати фақат атрофдаги оламни ўзгартиришга қаратилган шахс ижодий фаолиятининг шартли сифатида фойдаланиши мумкин. Айрим ҳолларда фаолиятнинг ўрнида, унинг сунъий аралашмаси сифатида ҳаракат қилиши мумкин. Манна шу ҳолларда одам ўзига ҳал қилиб бўлмайдигандек кўринадиган масалалардан, турмушнинг оғир шароитларидан, ўз хатоларининг таъқибидан ваш у кабилардан яшириниш учун реал тасаввурлардан узоқ бўлган фантастика оламига вақтинча кириб кетади. Бу эса фантазия ҳаётда гавдаланмайдиган образларни яратади, амалга ошмайдиган ва кўпинча амалга ошириб бўлмайдиган иш-ҳаракат программаларини белгилайди. Ҳаёлнинг бундай формаси **пассив ҳаёл** деб аталади.

Пассив ҳаёл ўйлаб қўйилмаган тарзда ҳам юзага келиши мумкин. Агар пассив ҳаёлни олдиндан ўйлаб ва ўйламасдан қилинган турларга бўлиш мумкин бўлса, ҳаёлни олдиндан ўйлаб ва ўйламасдан қилинган турларга бўлиш мумкин бўлса, актив ҳаёлни ижодий ва қайта тикловчи ҳаёл турларига бўлиш мумкин бўлади.

Ўз асосида тасвирга мувофиқ келадиган образлар системасини яратувчи ҳаёл қайта тикловчи ҳаёл деб аталади.

Ижодий ҳаёл, қайта тикловчи ҳаёлдан фарқ қилган ҳолда, оригинал ва қимматли моддий маҳсулотлarda амалга ошириладиган Янги образларнинг яратилишини тақозо этади. Меҳнатда пайдо бўлган ижодий ҳаёл эҳтиёжларини қондириш йўлини актив ва мақсадга мувофиқ иш тутадиган техник, бадиий ва исталган бошқа ижодиётнинг ажралмас томони бўлиб қолади.

Фантазия тимсолларининг пайдо бўлиши киши мияси фаолиятининг натижасидир. Ҳаёл бошқа психик жараёнлар каби қайта ярим шарлар пўстлоқ қисмининг функцияси ҳисобланади. Шунинг Билан бирга ҳаёл тузилишининг мураккаблиги ва унинг ҳиссиётлар Билан боғлиқлиги ҳаёлниң физиологик механизмлари фақат мия пўстлоғи Билан эмас, балки мия деб тахмин қилишга асос беради. Фантазия тимослларининг таркиб топиши ва улар фаолият жараёнларига қўшишга мия ярим шарлари пўстлоғи Билан бирга қатнашувчи миянинг анна шундай чукур қисмлари гопотатамлим билк системасидир.

Инсон мияси фантазия ишлаб чиқарган тимослларга ва организмнинг перефериқ қисмларига бошқарувчи таъсир кўрсати, уларнинг ишлаш жараёнини ўзгартириб туради.

Фантазия энг кўп қўлланиладиган соҳа бўлмиш санъат ва адабиётнинг ижодий фаолиятида зарапуий элемент бўлиб хизмат қиласиди.

Масалан, Рассомнинг ёки ёзувчининг ижодий фаолиятида қатнашадиган ҳаёлниң муҳим хусусияти учун эмоционаллигидир.

Илмий кашфиётларда ҳам ҳаёл илмий фаолиятнинг муҳим элементларидан айри эканлиги эътироф этилган ҳаёл илмий масалаларни ўрганишнинг дастлабки босқичларида муҳим роль ўйнайди ва баъзан ажойиб фаразлар қилишга олиб келади.

Шундай қилиб, фнатазия ҳамиша фаннинг янгиликлар очиладиган олдинги сафларида ишлашни давом эттиради. Манна шуларнинг ҳаммаси одамлар ҳаётидан фантазиянинг роли ниҳоятда катталигини ишончли равишда кўрсатади.

#### **4-мавзу: ШАХСНИНГ ҲИССИЙ-ИРОДАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Киши идрок этиш, хотирлаш, ҳаёл суриш ва фикрлаш жараёнида фақат воқийликни билиб қолмай, балки шу Билан бирга ҳаётдаги у ёки бу тарзда ҳис-туйғу бўлади. Бундай ички шахсий муносабатнинг манбай фаолият ва муносабат жараёнлари бўлиб, у анна шу жараёнларда рўй беради.

Ҳис-туйғулар кишининг ўз ҳаётида нималар юз бераетганини, нималарни билиб олаётганига ёки нима Билан Машғул бўлаётганига нисбатан ўзича турли хил шаклда билдириладиган ички муносабатdir.

Ҳис-туйғуларнинг кечиши субъект алоҳида ҳис этаётган психик ҳолат сифатида гавдаланади ҳис-туйғуларнинг кечиши ўз ривожига эга бўлган, жорий ва ўзгариб турадиган психик жараёндир. Ҳис-туйғуларни бошдан кечиришнинг турли фориаллари-эмоция, аффект, кайфият, кучли ҳаяжонланиш (стресс ҳолати)-Эҳтирос ва ниҳоят тор маънодаги сўз Билан айтганда, ҳис-туйғулар шахсининг эмоционал соҳасини ташкил этадики, улар киши ҳулқ-атворини тартибга солиб туради. Ҳис-туйғулар шахс эҳтиёжларига жавоб берадиган воқеа ҳодисаларни аниқлаб олишга ёрдам беради. Эҳтиёж намоён бўлишининг алоҳида шакли сифатидаги қизиқиш доимо ёрқин ҳиссий тусга эга бўлади. Киши учун субъектив бўлган ҳис-

туйғулар унинг эҳтиёжлари қондирилиш жараёни кечеётганлигининг белгиси сифатида намоён бўлади. Муносабат ва фаолият жараёнида пайдо бўлган ижобий ҳиссий ҳолатлар эҳтиёжларни қондириш жараёнининг хуш келадиган тарзда кечганлигидан далолат беради. Эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги салбий ҳиссий кечинмаларга (уялиш, ўкиниш, ҳасрат) олиб келади. Агар эҳтиёжларнинг қондирилиши эҳтимоли субъектив жиҳатдан қараганда катта бўлиб туюлса, шахсада ижобий ҳис-туйғулар пайдо бўлади. Эмоционал ҳолатларнинг регулятив функцияси уларнинг энг муҳим белгиси ҳисобланади. Кишида пайдо бўладиган кечинмалар унга эҳтиёжларнинг қондирилиш жараёни қай тарзда бораётгани, у қандай тўсиқларга дуч келаётгани, нималарга эътиборни қаратиш лозимлиги, нималар ҳақида мулоҳаза қилиши кераклиги, нималарни ўзгартириш зарурлиги ҳақида ахборот берувчи сигналлар ролини бажаради.

**Ҳис-туйғулар** воқеликни акс эттиришнинг ўзига хос шаклларидан биридир. Ҳис-туйғуларда субъектнинг ўзига хос эҳтиёжи, ўзи билиб олаётган ва ўзгартираётган нарсаларга ва воқеа-ходисаларга нисбатан унинг муносабати акс этади. Барча психик жараёнлар каби эмоционал ҳолатлар ҳис-туйғуларнинг кечириш ҳам мия фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Эмоцияларнинг пайдо бўлиши ташқи оламдаги ўзгаришлардан бошланади. Ҳис-туйғулар кечинишига хос физиологик жараёнлар мураккаб шартсиз ва шартли рефлекслар ярим шарларнинг қобиқ ости бўлмалари, мия ўқига талуқли кўриш тепаликлари, нерв қўзғалишининг миянинг олий бўлмаларидан вегетатив нерв системасига етказиб турадиган бошқа марказлар орқали амалга оширилади. Ҳис-туйғуларнинг кечикиш мия қобиғи ва қобиқ ости марказларининг биргаликдаги фаолият натижаси ҳисобланади.

Ҳис-туйғулар баъзан ҳар қандай психик жараённинг фақат ёқимли, ёқимсиз ёки аралаш асорати тарзида бошдан кечирилмаслиги кишида турли хил шаклини касб этадиган ўзига хос кечинмаларни: эмоцияни, аффектлар (ҳиссий бўронларни), кайфиятлари, кучли ҳаяжонланиши (стресс) ҳолатларини ва хусусан ҳис-туйғуларни англагади.

**Эмоционар «ҳиссиёт»** (эмация) ва «ҳис-туйғу» деган сўзлар кўпинча синонимлар сифатида қўлланилади. Торроқ маънода олганда ҳиссиёт бу қандайдир бир оз доимийроқ ҳис-туйғуларнинг бевосита ва вақтинча бошдан кечирилишидан иборатdir. «Эмоция» сўзини ўзбек тилига аниқ таржима қилинганда у руҳий ҳаяжонланиш, руҳий ҳаракатланиш деган маънони англагади. Ҳис-туйғу сифатидаги қўрқу вёки ваҳима яъни муайян объектларга улранинг бирикмаларига ёки ҳаётдаги мавқеига нисбатан таркиб топган ўзига хос муносабати бўлиши мумкин. Бир хил ҳолатларда эмоция таъсирчанлиги Билан ажralиб туради. Улар ҳатти-ҳаракатларга, фикр-мулоҳазаларни билдиришда куч бўлиб чиқади, куч гайратни ошириб юборади в астеник деб аталади. Баъзида эмоциялар сустлиги ёки лоқайдлиги Билан ажralиб туради ва астеник деб аталади. Бундай пайтда ҳамдардлик яхши, лекин бефойда ҳиссий кечинма бўлиб қолади.

**Аффектлар (ҳиссий портлашлар)** Кишини тез чулғаб оладиган ва шиддат Билан ўтиб келадиган жараёнлар аффектлар деб аталади. Улар онгнинг анчагина ўзгаргани, ҳатти-ҳаракатларни назорат қилишнинг бузилмаганлиги, ўзини-ўзи идрок қила олмаслиги Билан ажралиб туради. Аффектлар бирдан катта куч сарф қилинганлиги туфайли тез сўнади.

**Кайфият** анча вақт давомида кишининг бутун ҳатти-ҳаракатига тус берib турадиган умумий ҳиссиёт ҳолатини ифода этади. Кайфиятлар шоду-хуррамлик, ёки қайгули, тетиклик ёки ланжлик ёки маюслик, жиддий ёки енгилтаклик, жizzакилик ёки енгилтаклик, жиддийлик, мулойимлик ва ҳакозо бўлади. Кайфиятлар одатда ўзига хос ҳисоб берилмаслиги вас уст намоён бўлиши Билан белгиланади. Киши ҳатто уларни пайқамайди ҳам. Лекин кайфият қувноқлик ёки ёхуд ғамгинлик жадаллик касб этади.

**Стресс** (кучли ҳаяжонланиш). Аффектлар ҳолатга яқин турадиган, лекин бошдан кечирилишининг давомийлигига кўра кайфиятларга яқин бўлган ҳистийғулар шакли кучли ҳаяжонланиш деб аталади. Бу ҳиссий зўриқиш деб ҳам аталади. Ҳиссий зўриқиш кишида хавф-хатар туғилганда, хафа бўлганда, уялган, таҳликада қолган даврда рўй беради.

Ҳис-туйғулар киши шахсининг анча ёрқин кўринишларидан бири бўлиб, у билиш жараёнлари ва хулқ-атвор ҳамда фаолиятни иродавий бошқариш Билан биргаликда намоён бўлади. Шахс ўзи билиб олаётгна ва бажараётган нарсага унинг барқарор муносабати ҳис-туйғуларнинг мазмунини ташкил қиласди.

**Ирода** бу кишининг олдига қўйилган мақсадларга эришишда қийинчиликларни енгиб ўтишга қаратилган фаолияти ва хулқ-атворини онгли равишда ташхис қилиш ва ўз-ўзини бошқариш демакдир. Ирода бу шахс фаолиятининг қўйиладиган мақсад Билан белгиланадиган алоҳида тури.

**Ирода** ўзаро боғлиқ иккита вазифани ундовчи ва тармоқлаш вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди ва уларда ўзини намоён қиласди.

Ундовчи вазифаси кишининг фаоллиги Билан таъминланади. Фаоллик бир дақиқалик вазият талаби Билан, унга мослашув, берилган чораларда ҳаракат қилиш истаги Билан юзага келтириш мумкин. Ироданинг ундовчи вазифаси Билан биргаликда ҳаракат қилувчи тўхтатиш вазифаси фаолликнинг ёқимсиз кўринишларини жиловлашда намоён бўлади.

Ироданинг ундовчи ва тормоз қилувчи функциялари яхлит бирлигидагина шахснинг мақсадга эриши йўлидаги қийинчиликларни бартараф этишни таъминлайди.

Кишининг таваккалчилик шароитидаги ҳатти-ҳаракати ироданинг характеристери кўринишларидан бири сифатида намоён бўлдаи.

Таваккалчилик бу субъект учун унинг чеки номаълум ва муваффақиятсизликка дуч келганда мумкин бўладиган нокулай оқибат ҳақидаги таҳминлар мавжудлиги ҳақидаги фаолиятнинг характеристикасидир.

Таваккалчиликнинг биринчи сабаби ва тегишли равища таваккалчиликнинг биринчи тури бу ютуққа умид боғлаш. Бу ўринда

муваффақият мотивацияси муваффақиятсизликдан қутилиб қолиши мотивациясидан кучли, оқланган ва оқланмаган таваккалчилик фарқ қилинади. Оқланган таваккалчилик якунининг ҳар қандай ноаниклиги ва муваффақиятсизлик келтириш мумкинлигига қарамай хавсизга нисбатан хавфли варианти афзал кўришдир. Бунда ҳаракатнинг якуни тасодифга боғлиқ бўладиган ёки аксинча вазиятлар бўлиши мумкин.

Ҳатти-ҳаракатнинг хавфли вариантини афзал биладиган ҳулқ-автор ёки таваккалчиликнинг иккинчи тури учун сабаб-шахснинг вазият усти активлигидир. Кишининг вазият талаблари устидан кўтарила билиш дастлабки вазиятдан устун келадиган мақсадни қўйиш қобилиятга тўғри келади.

**Иродани тарбиялаш** Иродани мустақил тарбиялаш усуллари жуда ҳам ҳар-хил бўлиши мумкин. Уларнинг ҳаммаси қуйидаги шартга амал қиласди.

1. Иродани тарбиялашни нисбатан арзимас қийинчиликларни бартараф қилишидан бошлаш керак. Олдинига унчалик катта бўлмаган қийинчиликни, вақт ўтиши билан эса анча катта қийинчиликларни мунтазам равишда енга бориб, киши ўз иродасини Машқ қилдиради ва чиниктиради. Ҳар бир қаршиликни «бўйсундирилмаган кала» сифатида баҳолаш лозим ва бу калани «олиш учун» барча имкониятни ишга солиш керак.

2. +ийинчиликларни тўсиқларни бартараф этиш маълум мақсадларга эришиш учун амалга ошириш (учун)ди. Мақсад қанчалик аҳамиятли бўлса, иродавий мотивлар даражаси юқори бўлса, киши шунчалик катта қийинчиликларни бартараф этишга қодирдир.

3. +абул қилинган қарор бажарилиши керак. Ҳар галл, қачонки, қарор қабул қилиниб, унинг бажарилиши Яна ва Яна кечиктирилса кишининг иродаси издан чиқади.

4. Агар киши узоққа мўлжалланган мақсадни олдига қўйган тақдирда узоқ истиқболни назарда тутиши керак. Бу мақсадга эришиш босқияларини кўриши, яъни келажакка мўлжалланган истиқболни кўра олиши жуда муҳим.

Иродали киши-ўз вақтининг хўжайнини. Ўз фаолиятининг оқилона ташкил қилар экан, бу билан у белгиланган нарсани шошилмасдан амалга оширади. Ўз иродасини чиниктириш учун ишда ва турмушда тарқоқлик ва пала-партишликка қарши кун сайин кураш олиб бориши керак.

Спорт билан мунтазам шуғулланиш киши иродасини чиниктиради. Жисмоний машқ билан шуғулланиш қийинчиликларни бартараф этиш кишининг факат мушаклари эмас, балки унинг иродасини чинакам машқ қилдириш ҳисобланади.

3. психологияда мотивлаштириш деганда психологик ҳодисаларнинг ўзаро мустаҳкам боғланган, лекин бир-бирига тўла мос келмайдиган нисбатан мустати учта тури тушунилади. Бу биринчидан индивиднинг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган фаолиятга ундовчи мотив. Бу субъектни фаолият кўрсатишга қандай эҳтиёжлар ундаётганини изоҳлаб беради. Иккинчидан, мотивлаштириш фаоллик нимага қаратилганлигини, нима учун қандайдир бошқа ҳулқ-автор эмас, балки худи шунақаси танланганлигини изоҳлай беради. Учинчидан мотивлаштириш киши алоқа

ва фаолиятни ўзи бошқарадиган восита ҳисобланади. Бу воситаларга эмоциялар, истаклар, қизиқишлиар ва бошқалар киради. Жумладан эмоцияда у ёки бу ахлоқ актининг шахсий моҳияти баҳоланади.

Иродавий актда уни мотивлаштиришнинг барча учта томони фаоллик манбаи, унинг йўналганлиги ва ўз-ўзини бошқариш воситалари намоёниш қилингандир;

### **Иродавий актнинг бўғинлари.**

Иродавий ҳаракатлар сабалари ҳар доим озми-купми даражада англанилган характерда бўлади. У ёки бу эҳтиёжнинг қанчалик англанганлигига боғлиқ ҳолда интилиш ва истакни ҳам фарқ қилса бўлади.

Интилиш ҳам дифференциялашмаган, етарли даражада англанилмаган эҳтиёждан иборат фаолият мотиви. Ирода фаолиятнинг мотиви сифатида эҳтиёжнинг етарли даражада тушиниб етганлиги билан характерланади. Бунда фақат эҳтиёж обьекти эмас, балки уни қондиришнинг мумикн бўлган йўллари ҳам тушуниб етилади. Фаолиятнинг бутун сабаблари кишининг яшаш шароитларини акс эттириш ва унинг эҳтиёжларини фахмлаш натижаси ҳисобланади. Ана шу сабаблар орасида ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида бир хиллари кўпроқ, бошқалари камроқ аҳамиятга эга бўлади. Кишида турли эҳтиёжлар аҳамиятининг ўзгариши муносабати Билан мотивлар кураши пайдо бўлади. Бир ситак бошқа истакка қарама-қарши қўйилади. Муҳокама ва мотивлар кураши натижасида қарор қабул қилинади. Яъни муайян мақсад ва унга эришиш усули танланади. Пайдо бўлган қарорни мунтазам равишда бажарилмаслик иродаси кучсизлигини кўрсатади. Иродавий ҳатти-ҳаракатнинг сўнгги жиҳати ижродир. Унда қарор ҳаракатга айланади. Ижрова иродавий ҳатти-ҳаракатда ёки ишларда киши иродаси намоён бўлади. Кишининг иродаси ҳақида биргина юксак ғоявий мотивларга қатъий қарор ва ниятларга қараб эмас, балки ишларга қараб ҳук мчиқариш керак.

### **Иродавий зўр бериш.**

Иродавий актнинг энг муҳим бўғини қарор қабул қили шва уни ижро этишдир. Бу кўпинча алоҳида ҳиссий ҳолатнинг иродавий зўр бериш сифатида тавсифланадиган ҳолатнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Иродавий зўр бериш ҳиссий ҳаяжон шакли бўлиб, кишининг ҳаракатга қўшимча мотивларни вужудга келтиради. Иродавий зўр бериш натижасида бир хил мотивларнинг ҳаракатини тўхтатиб қўйиб, бошқаларнинг ҳаракатини ҳаддан зиёд кучайтириш мумкин бўлади. Иродавий куч ғайрат (у) ишлатиш натижасида дангасалик, қўрқув, чарчаш кабилар устидан қозонилган ғалаба анчагина ҳиссий завқ беради, ўз устингдан эришилган қалаба сингари бошдан кечирилади. Ташқи тўсиқ енгиб ўтиш лозим бўлган ички қийинчилик, ички қаршилик каби бошдан кечириладиган бўлса, у иродавий зўр беришни талаб қиласи. Оддий мисол: агар полда бир метр жойни ўлчаб, бу тўсиқдан хатлаб ўтиш қийинчилик туғдирмайди. Лекин альпинистик кўтарилиш шароитида ана шундай кенгликдаги муз ёруғи жиддий тўсиқ сифатида намоён бўлади. Бу эса куч-ғайрат ишлатилмай бартараф этилмайди.

Иродавий куч-ғайрат одамларнинг барча қаҳрамонлик ишларига зарур қисм бўлиб киради. Иродавий куч-ғайрат сарфлаш одати матонатли феъл атворни шакллантиришнинг мажбурий шартидир.

Ироданинг индивидуал хусусиятлари. Ирода фаолиятнинг ички қийинчиликларини енгишга қаратилган онгли тузилма ва ўз-ўзини бошқариш сифатида аввало ўзига, ўз ҳиссиётларига ҳати-ҳаракатларига ҳукмронлик қилишдир. Бу ҳукмронлик ҳар хил одамларда ҳар хил даражада ифодаланган. Оддий онг ўзининг намоён бўлиши тезлигига қараб фарқланадиган бир қутбли ироданинг кучидир. Кучли иродага эга бўлган киши кўйилган мақсадларга эришиш йўлида учрайдиган истаганқийинчиликларни бартараф эта олади. Айни чоғда қатъийлик, мардлик, жасурлик, чидамлилик каби иродавий фазилатларни намоён қиласди. Иродаси суст кишилар қийинчиликлар олдида ожизлик қиласдилар, қатъиятлик, сабот-матонат қўрсатмайдилар. Ҳулқ-атвор ва фаолиятнинг анча юксак, маънавий жиҳатдан оқланган мотивлар учун ўзларини тута билмайдилар. Бир дақиқали майлни йўқота билмайдилар.

**Абулия**-бу мия патологияси заминида юзага келадиган фаолиятга интилишнинг йўқлиги, ҳаракат қилиш ёки уни бажариш учун қарор қабул қилиш зарурлигини тушунган ҳолда иш қилолмаслик.

**Апракция**-мия тузилишининг шикастланиши натижасида келиб чиқадиган ҳаракатлар мақсадга мувофиқлигининг мураккаб бузилишидир. Агар нерв тўқималарининг бузилиши миянинг пешона қисмларида тўхтаб қолса, ҳатти-ҳаракатларни эркин тўғирлашни бузилишида намоён бўладиган апракция бошланади. Бу берилган программа ва иродавий актнинг бажарилишини қийинлаштиради.

Абулия ва апракция-психикаси оғир касалланган одамларга хос, нисбатан камёб ҳодисалардир.

Ироданинг ижобий фазилатлари, унинг кучининг намоёиш қилиниши фаолиятнинг муваффақиятини таъминлайди, киши шахсининг энг яхши томондан қўрсатади. Бу каби иродавий фазилатларнинг рўйхати жуда катта қаҳрамонлик, саботлилик, қатъийлик, мустақиллик, ўзини тута билиши ва бошқалардир. қатъийлик-ироданинг индивидуал хусусияти бўлиб, мустақил равишда қарор қабул қилиш ҳамда уни фаолиятда сўзсиз амалга ошириш қобилияти ва малакаси билан боғлиқ. +атъий одамда бошланган мотивлар кураши тезда қарор қабул қили шва қарорни ижро этиш Билан тугалланади. Иродавий фазилатларни баҳолаш атиги биргина «кучли-кучсиз» ўлчови билан ифодаланмаслиги керак. Ироданинг аҳлоқий тарбияланганлиги агар ҳал қилувчи бўлмаса ҳам муҳим аҳамиятга эга.

## **5-мавзу: ШАХСНИНГ ИНДИВИДУАЛ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Одамлар ўртасидаги индивидуал-психологик тафовутларда психиканинг динамик деб аталмиш хусусиятлари мухим ўрин эгаллади. Бунда энг аввало психик жараёнлар ва ҳолатлар интесевлиги даражаси, шунингдек, уларнинг у ёки бу тезликда кечиши назарда тутилади. Маълумки, одамлар ҳулқ-автор ва фаолият мотивлари нисбатан тенг бўлганда, бир хил ташқи таъсир этганда, бир-биридан таъсирчанлигига ва кўрсатаётган энергиясига кўра сезиларли даражада фарқ қиласидар. Жумладан, бир хил киши секинликни, бошқаси шошилинчни ёқтиради, бир хил одамларга ҳиссиётларнинг тез уйғонишининг хос бўлса, бошқасига эса совуқконлик хосдир, бошқа бировни кескин имо-ишоралар, маъноли мимика, бошқасини ҳаракатларда оғир-босиқлик, юзининг жуда ҳам кам ҳаракат қилиши ажратиб туради.

Харакатланиш хусусиятларига қараб фарқланишлар ҳар қандай тенг шароитларда индивиднинг умумий фаоллиги ҳаракатчанлиги ва унинг эмоционаллигига биноан юз беради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир шахс ўзига хос қайтарилилмас Дуне. Дунёда бир-бирига айнан ўхшаш бўлган икки кишини топиш жуда мушкул. Одам ташқи қиёфаси, бўй-бости Билан бошқа бирор кимсага ўхшashi мумкин, лекин феъли, мижози ва шахс сифатидаги хусусиятлари нуқтаи-назаридан айнан бир хил иноснлар бўлмайди. Ҳаттоқи олимлар битта тухумдан ривожланган эгизакларда ҳам жуда кўп жиҳатдан айнан ўхшашликни қайд қилишган, шахсий ўхшашликни корреляцияда эса баъзи тафовутлар аниқланган.

Демак, шахс-қайтарилилмас, у ўз сифатлар ва борлиги Билан ноёбdir. Анна шу қайтарилилмаслик ноёбликнинг асосида унинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуи ётади. Инсоннинг индивидуаллигини изохловчи хусусиятларидан бири, бу темпераментидир.

Темперамент-инсоннинг турли вазиятларда нарса, ҳодиса, ҳолатлар ва иноснларнинг ҳатти-ҳаракатларига нисбатан реакциясини тушунтириб берувчи хусусиятлари мажмуидир.

+адимги Юнон медиунаси унинг йирик вакили Геппократ организмнинг ҳолати асосан «шарбат»ларнинг яъни, организмда мавжуд юқориликларнинг (қон, лимфа, ўт) микдорий нисбатига боғлиқдир, деб ҳисоблайди.

Бу шарбатларнинг аралаштирилгандаги нисбати грекчасига «красис» («гўзал») сўзи билан аталган.

Бир неча қийинроқ ишлаган римлик врачлар бу тушунчани лотинча temperamentum сўзи Билан атаганлар, бу қисмларнинг тегишли нисбати деган маънени билдиради. Бундан темперамент деган термин қилиб чиқсан. Эрамиздан илгари II асрда яшаган римлик анатом ва врач Гален биринчи бўлиб темпераментларнинг кенгайтирилган таснифини берди. У 15 та турни ўз ичига қамраб олади. Темпераментнинг турлари сони қадимги медицина вакиллари томонидан кейинчалик тўрттага қадар камайтирилди. Уларнинг ҳар бири қандайдир суюқликнинг бошқалардан кўплиги Билан ажралиб туради.

Организмда суюқликларнинг аралашуви (у қоннинг кўплиги Билан характерланади) сангвиник темперамент деб аталди (лотин тилидаги) «сангвис»-қон сўзидан; лимфа кўп бўлганда флегматик темперамент (грекча «флегма»-шилимшиқ парда дегани), сариқ ўтнинг кўпайганини холерик темперамент (грек тилидаги «хопэ»-ўт сўзидан) ва ниҳоят, қора ўт кўп бўлган меланхолик темперамент деб (грекча «миллайна холэ»-қора ўт) аталади.

Кишининг темперамент қаннақалиги ҳақидаги тасаввур одатда шу шахс учун характерли бўлган айrim психологик хусусиятлар асосида вужудга келади.

1. Сезиларли психик активликка эга бўлган, атрофда бўлаётган воқеаларга тез муносабатини билдирувчи, таассуротларини ҳадеб ўзгартиришга интилевчи, муваффақиятсизликлар ва кўнгилсизликларни нисбатан енгил ўtkазиб юборувчи, жонли, ҳаракатчан, ифодали мимикаси ва ҳаракатлари бўлган киши сангвиник деб аталади.

2. Юраги кенг, барқарор интилишларга ва кайфиятларга, доимий ва чукур хис-туйғуларга, ҳаракатлари ва нутқи бир хил маромда бўлган, руҳий ҳолати ташқи томонда ифода этиладиган киши флигматик деб атаалади.

3. Жуда ғайратли, ишга жуда эҳтирос билан берилиш қобилиятинига эга бўлган, тез ва шиддатли, қизғин эмоционал «портлаш» ва кайфиятнинг кескин ўзгаришларига мойил илдам ҳаракатлар қиласиган киши холерик деб аталади.

4. Таъсирчан, чукур кечинмали, гап кўтара олмайдиган, аммо атрофдаги воқеаларга унчалик эътибор бермайдиган, ўзини тўхтата оладиган ҳаракатлар қиласиган ва секин овоз чиқарадиган кишилар меланхоликлар деб аталади.

Кишиларнинг олий нерв фаолияти типларини характерловчи нерв жараёнлари кучи, сувознати, ва ҳаракатчанлигининг ундей ёки бундай нисбатлари улар темпераментининг физиологик асосидир. Нерв фаолияти кучли мувозанатли чақон типга сангвиник темперамент тўғри келади, кучли, вазмин, секин типга флегматик темперамент кучли, сувознатсиз типга холерик темперамент, кучсиз типга эса меланхолик темперамент туғри келади.

Психологлардан б.М.Теплов, В.Д.Небилициннинг асарларидан кимнинг олий нерв фаолияти типининг хусусиятлари тўғридаги тасаввурлар аниқланади ва бойитилди.

Нерв системасининг янги хусусиятлари кашф этилган. Улардан бири-динамиклиқдир (мия қобиғида муваққат алоқалар пайдо бўлишнинг осонлиги, тезлиги бу хусусиятга боғлиқдир). Бошқаси лабиллиқдир. (нерв жараёнининг пайдо бўлиши ва тугаш тезлиги бир жаарённинг бошқаси билан алмаштирилиши тезлигини характерлайдиган қўзғалувчанликдан фарқли ўларок, ана шу хусусиятга боғлиқдир). Олий нерв фаолиятини тинпининг хусусиятлари анча умумий психиканинг динамик жиҳатларида кенгроқ учрайдиган бўлиши ва анча тез-тез, ҳаракат доираси анча чекланган бўлиши мумикнлиги аниқланган. Темпераментнинг хусусияти сифатида психик

фаоллилик нерв системаси типининг алоҳида хусусияти фаоллашганликка бевосита боғлиқ эканлиги кўрсатилди.

Нерв системаси қатор хусусиятларнинг ирсий боғланганлиги «эгизаклик» методи деб аталмиш методни қўлланиши натижасида аниқланди. Эгизакларда психофизиологик хусусиятларининг ўхшашлиги, ўзўзига бу хусусиятларнинг ирсий келиб чиқиш исботи бўла олмайди ахир эгизаклар ўртасидаги ўхшашлик ривожланиш шартларининг бир хиллиги билан тушунтирилиши мумкин.

Аммо эгизакларнинг икки типи мавжуддир: битта тухумлилар (мутлоқо бир хил ирсият билан) ва ҳар хил тухумлилар (уларнинг ирсияти оддий ака ва сингилга ўхшаб фарқ қиласди). Нисбатан муҳитнинг таъсирича боғлиқ бўлган белгиларга кўра эгизаклар ўртасида жуфтлар орасида ўхшашлик даражаси битта тухумлили ёки турли хилдаги тухумлили эканлигига боғлиқ бўлмаслиги тушунарли, айнан ирсий жиҳатдан боғлиқ бўлган белгилар бўйича эса ҳар хил тухумлиларга қараганда бир хил тухумли эгизакларда ўхшашлик кўпроқ бўлиши аён бўлди. Бир хил тухумли ва ҳар хил тухумли эгизакларда нерв системаси типининг (жуфтлар орасида) хусусиятлар ўхшашлигини маҳсус солиштириш ирситятнинг жиддий исботлашга имкон берди.

Темпераментнинг хусусияти, яъни психиканинг динамик томони хусусиятлари киши характерини ташкил этадиган психиканинг муҳим хусусиятларини ривожлантириш шартларидан биридир.

Характер шахснинг фаолият ва муомалада таркиб топадиган ва намоён бўладиган барқарор индивидуал хусусиятлари бўлиб, индивид учун типик ҳулқ-автор усусларини юзага келтиради.

Худди темперамент каби характер ҳам кишининг физиологик хусусиятларига ва аввало нерв системаси типига боғлиқдир.

Темпераментнинг хусусиятлари характернинг кўринишларига ўз таъсирини кўрсатади, уларнинг пайдо бўлиши ва кечишнинг динамик хусусиятларини белгилаб беради. Пировард натижада темперамент ва характернинг хусусиятлари кишининг умумий қиёфасини белгилайдиган амалда ажралмайдиган қтишмасини, унинг шахсининг интеграл характеристикасини ташкил этади.

Темпераментнинг хусусиятлари характернинг муайян томонлари ривожланишига қаршилик кўрсатиши ёки ёрдам бериши мумкин. Холерик ёки сангвиник типдаги одамга қараганда флегматик типдаги одам ўзида ташаббускорлик ва қатъийликни таркиб топтириши қийинроқдир.

Журъатсизлик ва вахималиликни бартараф этиш меланхолик учун жиддий муаммо ҳисобланади. Характернинг коллективда амалга ошириладиган шакллантирилиши холерик типдаги кишиларда ўзини тута билишни ва ўзига танқидий кўз билан қарашни, сангвиникларни саботлиликни, флегматикларда фаолликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратади.

Индивид характернинг таркиб топган хусусиятлари системага эга бўлгандагина ижтимоий етуклика эришади. Бу жорий билинмасдан рўй

беради ва кишига хозир қандай бўлса доимо шундай бўлганига ўхшаб кўйинади. Шу тариқа инсон характерининг хусусиятлари унга табиатдан берилган, у туғма ҳисобланади, деган фикр туғилади. Бундай таъкид жуда ҳам кенг тарқалган бўлади: «табиатан қўрқоқ ва аглаҳ эди» ёки «алдамчиликка мойиллик унинг туғма хусусияти» ёки ҳатто «Уруғ-аймоғи билан шунаقا ўзи-тоғасига тортди». Асли шундай-икки ақа-ука бир оиласда, гўё бир хил шароитларда тарбияланмоқда. Уларнинг фарқи бирки бир-икки ёшдангина иборат, иккаласи бир мактабда ўқийди, ота-оналари ҳам уларга умуман бир хил қарашади, болалар эса ҳамма соҳада ҳар-хил характерлари бир-бирига сал-пал ҳам ўхшаб кетмайди. Кишига характер туғилиши билан берилади, деган хулоса ҳам бу гапдан унча узоқ эмас.

Киши бош мия ишлашининг турли хил хусусиятлари Билан туғилади, олий нерв фаолиятининг у ёки бу типини тасаввур қиласди. Бу психологик хусусиятлар эмас, балки физиологик хусусиятлардир, лекин улар бир хилдаги таъсиrlар болаларда ҳар хил психологик самара келтирувчи дастлабки сабаб бўлиши мумкин. Улар психик ва онг ривожланадиган шароитларни белгилайди. Физиологик шароитлардаги бу фарқлар одамлар характеридаги ҳар хилликнинг атиги биринчи сабабидир.

Характер-қўп жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш натижасидир. Характерда кишининг одатлари жамланади. Характер одамлар фаолиятида намоён бўлдаи, аммо у шу фаолиятда шакланади.

